O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2000 ЙИЛ
25 МАРТ,
ШАНБА

№ 38 (25.588).

GAZETA 1918 YIL 21 IYUNDAN
CHIQA BOSHLAGAN

ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Термизда халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг сессияси бўлди. Унда вилоятдан сайланган Олий Мажлис депутатлари, туман ҳокимлари, вилоят ташкилотлари, республика вазирлик ва идоралари раҳбарлари иштирок этди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари ўз сўзида Сурхон воҳасини жанубий сарҳадларимизнинг мустаҳкам қалқони, дея таърифлади. Ўтган йили «Алпомиш» достонининг 1000 йиллиги кенг нишонланганда вилоятни нафақат республикамиз, балки бутун жаҳон қайта кашф этганини қайд этди.

Юртбошимиз вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда эришилган ютуқлар билан бир қаторда, ислоҳотларни ўтказишда сусткашликларга, хато ва камчиликларга ҳам йўл қўйилаётганини таъкидлади. Кейинги йиллар давомида вилоятда пахта етиштириш режаси сурункасига бажарилмай келмоқда, ҳосилдорлик даражаси ҳам тобора пасайиб бораётир. Ўтган йили «занг» касалига чалингани боис ғалла тайёрлаш режаси эллик тўрт фоизга уддаланди, холос. Бундай қониқарсиз аҳволнинг бош сабаби ислоҳотлар ўтказишда етарлича қатъиятнинг йўқлиги, тадбиркорликка кенг йўл очилмаётганидадир. Бу эса пировард натижада одамларнинг турмуш даражасига салбий таъсир этмоқда.

Президент Ислом Каримов вилоятдаги вазиятни яхшилаш бўйича кўрилиши лозим бўлган чора-тадбирлар ҳақида гапирар экан, аввало, кадрлар масаласига жиддий эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади.

Сессияда ташкилий масала кўрилди.

Вилоят ҳокими Ж. Норалиев бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан ўз вазифасидан озод этилди.

Президент Ислом Каримовнинг тавсиясига кўра депутатлар республика Бош вазирининг ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири вазифасида ишлаб келаётган Б.Олимжоновни Сурхондарё вилояти ҳокими этиб тасдиқладилар.

Сессияда сўзга чиққан Шеробод тумани ҳокими А.Лапасов, Термиз давлат университетининг ректори Н.Тўраев, «Аёл ва замон» газетасининг бош муҳаррири Ж.Эргашева, Олий Мажлис депутати, «Тафаккур» журналининг бош муҳаррири, таниқли ёзувчи Э.Аъзамов вилоятдаги ислоҳотлар жараёнини жадаллаштириш учун, Йўлбошчимиз таъкидлаганидек, турли бўғиндаги раҳбарлар, кенг жамоатчилик вакиллари, зиёлилар ҳамжиҳат ва халқ билан ҳамнафас бўлиб ҳаракат қилиши зарурлигини айтдилар.

■ **Мусулмон НАМОЗОВ,**
Чори ТЎХТАЕВ,
ЎзА мухбирлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

Б.Алимджановни Сурхондарё вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасининг 12-банди ва 102-моддасига мувофиқ Бахтияр Алимджанов Сурхондарё вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

Ушбу масала халқ депутатлари вилоят Кенгашининг тасдиғига қўйилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2000 йил 23 март.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

Ж. Норалиевни Сурхондарё вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Жўра Норалиев бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Сурхондарё вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2000 йил 23 март.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

БИРЖАДАН ТАШҚАРИ ВАЛЮТА БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Биржадан ташқари валюта бозорини мустаҳкамлаш ва янада ривожлантириш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд хорижий валюта муомаласи тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатлари бузилишининг олдини олиш, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар томонидан Ўзбекистон Республикаси норезидентлари бўлган жисмоний шахсларга кўрсатилаётган пулли хизматлар учун ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и:

1. Белгилансинки, 2000 йил 1 апрелдан бошлаб республика корхоналари, ташкилотлари ва муассасалари томонидан 1-иловага мувофиқ пулли хизматлар кўрсатилганлиги учун тўлов Ўзбекистон Республикаси норезидентлари бўлган жисмоний шахслардан фақат эркин алмаштириладиган валютада ундирилади.

2. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси норезидентлари бўлган жисмоний шахслар корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг хизматлари учун тўловни (авиация, темир йўл орқали ташиш ва халқаро автотаташишлар хизматларига ҳақ тўлаш бундан мустасно) Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, "Асака" банки ва "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг бўлимлари орқали тўлайдилар.

Тўлов норезидент жисмоний шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ваколатли банкларида ёки хорижий банкларда очилган валюта ҳисоб варақларидан пул ўтказиш йўли билан, шунингдек, дебет-кредит пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда нақд эркин муомаладаги валютада тўланиши мумкин.

3. Белгилансинки, хизматлар учун ҳақ тўлаш ҳисобига кўрсатиб ўтилган банклар муассасасига тушувчи валюта тушумининг 50 фоизи Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига мажбурий сотилиши, қолган 50 фоизи эса — норезидент жисмоний шахсларга пулли хизматлар кўрсатувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг махсус валюта ҳисоб рақамларига ўтказилиши керак.

Валюта тушумини мажбурий сотишга тенг сўмни, шунингдек, норезидент жисмоний шахсларга пулли хизматлар кўрсатувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ихтиёрида қолувчи валютани ҳисоб-китоб рақамига ўтказиш билан боғлиқ операциялар банклар томонидан уч банк куни мобайнида амалга оширилади.

4."Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси, "Ўзбекистон темир йўллари" давлат-акционерлик компанияси ва "Ўзавтотранс" корпорацияси томонидан, валюта тушумини ваколатли банкка ҳар куни албатта инкассация қилган ҳолда, норезидент жисмоний шахсларга махсус кассалар орқали хизмат кўрсатишнинг мавжуд тартиби сақлаб қолинсин.

5. Хорижий авиакорхоналарга, уларнинг ваколатхоналарига ҳамда авиация хизматлари ва улар билан боғлиқ хизматлар кўрсатиш бўйича агентларга норезидент жисмоний шахсларга халқаро йўловчилар ташувлар бўйича чипталарни эркин алмаштириладиган валютага сотиш ҳуқуқи берилсин, бунинг учун, валюта тушумини ваколатли банкка ҳар куни албатта инкассация қилган ҳолда, махсус кассалар очилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида норезидент жисмоний шахсларга пулли хизматлар кўрсатиш тартиби тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси Марказий банк ва ваколатли банклар билан биргаликда норезидент жисмоний шахсларга пулли хизматлар кўрсатишнинг белгиланган тартибига риоя қилиниши ва валюта тушумининг ўз вақтида инкассация қилиниши ва албатта сотилиши устидан қатъий назорат ўрнатсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги, Марказий банк, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида ўн кун муддатда таклифлар киритсин;

идоравий меъёрий ҳужжатларнинг ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Б.С.Ҳамидов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.М.Муллажонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг
Раиси И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2000 йил 24 март

ХАЛҚ БИЛАН ҲАМНАФАС ЯШАШ ВА ИШЛАШ – ОЛИЙ БУРЧ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқи

Ассалому алайкум, қадрли юртдошлар!

Ҳурматли депутатлар!

Энг аввало, қутлуғ Наврўз байрами кунларида Сиз азизлар — Сурхондарё вилоятининг вакиллари билан соғ-омон дийдор кўришиб турганимиздан ҳурсанд бўлганимни изҳор этиб, Сизларга, Сиз орқали бутун Сурхон аҳлига ўзимнинг самимий ҳурмат-эҳтиромимни билдиришга ижозат бергайсиз.

Мамлакатимизнинг жанубий чегарасида жойлашган, ўзининг бетакрор бойликлари, табиати, тарихи, маданияти, ишлаб чиқариш салоҳияти, аввало, кўнгли очиқ, бағрикенг, меҳнаткаш эли билан Сурхон воҳаси барчамизни ўзига мафтун этиши бежиз эмас, албатта. Биз Сурхондарё вилоятини жанубий сарҳадларимизнинг мустаҳкам қўрғони, ҳар қандай ёвуз куч ва ниятларнинг йўлини тўсадиган ишончли қалқон, деб биламиз.

Ўтган йили «Алпомиш» достонининг 1000 йиллик тўйини барча халқимиз билан биргаликда тантана қилганимизда Сурхон воҳасини нафақат юртимиз, балки бутун дунё қайтадан кашф этди. Сурхон аҳлининг нақадар истеъдодли, яратувчилик салоҳияти юксак эканига, қадимий урф-одатлар, минг йиллик анъаналаримизни асрлар оша кўз қорачиғидай асраб ва бойитиб келаётганига гувоҳ бўлди.

Сурхондарё табиати, унинг тарихи ҳақида ҳар қанча гапирсак, бу ерга меҳр қўйиб, уни севиб, шу юртнинг ватанпарвари бўлиб яшаётган ориятли одамларни ҳар қанча улуғласак арзийди.

Азиз дўстлар!

Уч ой муқаддам мана шу залда бўлиб ўтган сайловолди учрашувида биз вилоятдаги аҳволга холисона ва танқидий баҳо бериб, воҳани иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш истиқболлари ҳақида гаплашган эдик.

Вилоят олдида турган улкан вазифалар, кўп йиллар давомида ечимини кутиб ётган муаммолар, мана шу эл-юртни қийнаётган масалалар ҳақида фикр алмашиб олган эдик.

Бугунги кунда бу муаммолар тобора кескинлашиб бориб, Сурхондарё вилоятининг ҳаётида катта тўғаноқ бўлиб, унинг тараққиётига салбий таъсир кўрсатаётганини сезмаслик мумкин эмас.

Кейинги тўрт-беш йил давомида Сурхондарё вилоятида ислоҳотларнинг бориши, ишни ташкил қилиш, иш услуби, авваламбор қишлоқ хўжалигида, бошқа тармоқ ва соҳаларда йўл қўйилган катта оқсоқлик барчамизни ташвишга, керак бўлса, хавотирга солаётгани табиийдир.

Бугун замон бизнинг олдимизга қандай масалалар ва талаблар қўймоқда? Биз бу талаб ва вазифаларга жавоб беришга қанчалик қодирмиз? Агарки шу ҳолатда қолаверсак, эртанги кунимиз қандай бўлади?

Қанчалик оғир бўлмасин, бугун шу саволлар атрофида очиқчасига гаплашиб олмасак, тегишли хулосалар чиқармасак, эртага кеч бўлиши мумкин.

Ҳеч кимга сир эмас, Сурхондарё вилояти беқиёс салоҳиятга эга. Воҳанинг ер ости, ер усти бойликлари ҳақида узоқ гапириш мумкин. Деҳқончилик қилиш учун сув бор, унумли ер бор, йилига икки марта ҳосил олишга имкон берадиган иқлим шароити, қуёш ҳарорати бор.

Қайси соҳани олмайлик, Сурхоннинг олмаю анорини айтасизми, узуми, хурмою лимонини айтасизми, сабзавот маҳсулотларини айтасизми — буларнинг барчаси бутун мамлакатимизда машҳур. Энг муҳими, бу ерда миришкор, уста деҳқонлар, уларнинг ҳавас қилса, ўрганса арзийдиган маҳорати бор.

Табиий бир савол туғилади: биз вилоятдаги ана шу салоҳиятдан, ана шу имкониятдан тўла фойдаланаяпмизми? Умуман биз ҳосилдорлик даражаси, ишимизнинг самарасидан мамнун бўлишимиз мумкинми?

Афсуски, бу саволларга ижобий жавоб бериб бўлмайди.

Барчамизга яхши маълум: Сурхондарё вилоятининг иқтисодий ривожланишида кўпгина соҳалар бўйича, аввало, пахта ва ғалла етиштиришда режалар сурункасига бажарилмаяпти, ҳосилдорлик камайиб, иш унуми пасайиб бормоқда.

Бу ҳолат вилоятда яшаётган одамларнинг турмуш даражаси, кайфиятига салбий таъсир кўрсатаётганини инобатга олсак, юқоридаги саволларнинг нақадар ҳаққоний ва ўринли экани, масаланинг шундай қаттиқ қўйилаётгани барчамизга тушунарли бўлади, деб ўйлайман.

Агар сўнгги беш йилни таҳлил этадиган бўлсак, вилоят бўйича пахта ҳосилдорлиги 5,5 центнерга камайганини таассуф билан қайд этишга тўғри келади.

Бунинг натижасида давлатга пахта сотиш режаси 1995 йили 97,5 фоиз, 1996 йили 94,8 фоиз, 1997 йили 90 фоиз, 1998 йили 88,3 фоиз бўлган бўлса, бу кўрсаткич 1999 йили янада пасайиб, 81,8 фоизни ташкил этди.

Бошқача айтганда, беш йил мобайнида вилоят давлатга 181 минг тонна пахтани режадагидан кам етказиб берди.

Хусусан, ўтган йили вилоятдаги пахтачиликка ихтисослаштирилган туманлардан бирортаси ҳам режани бажара олмади.

Вилоятдаги 143 та хўжаликдан 109 таси режани бажара олмагани, айниқса, Бандихон туманидаги «Хўжаипок», «Янги ҳаёт», Шеробод туманидаги «Истиқбол», Термиз туманидаги «Каттақум»,

(Давоми 2-бетда).

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 мартдаги қарорига 1-илова

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУДИДА НОРЕЗИДЕНТ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРГА ФАҚАТ ЭРКИН АЛМАШТИРИЛАДИГАН ВАЛЮТАДА КЎРСАТИЛАДИГАН ПУЛЛИ ХИЗМАТЛАР Р Ў Й Х А Т И

тиббий хизматлар;
таълимнинг барча турлари (умумий ўрта таълимдан ташқари);
меҳмонхона, сайёҳлик фирмалари хизматлари;
авиация хизматлари ва улар билан боғлиқ хизматлар;
темир йўл ташувлари;
халқаро автомобиль ташувлари;
телефон ва пейджинг алоқаси хизматлари;
спорт-соғломлаштириш хизматлари;
юридик шахсларга тегишли уй-жойларни ижарага олиш хизматлари;
транспорт-экспедиция хизматлари;
суғурта хизматлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Б.Алимджановни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазири вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Бахтияр Алимджанов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазири вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2000 йил 24 март

ХДП ХАБАРИ

ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ПЛЕНУМИ

ЎзХДП Сирдарё вилоят кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда вилоят партия ташкилотининг Ўзбекистон Президенти И.А. Каримовнинг республика Олий Мажлиси иккинчи чақириқ биринчи сессиясидаги маърузадан ва ЎзХДП Марказий Кенгаши иккинчи пленуми қарорларидан келиб чиқадиган, вазифалари ҳақидаги масала муҳокама этилди. Бу ҳақда вилоят кенгашининг иккинчи котиби Ҳ.Ортиқбоева маъруза қилди.

Пленумда, шунингдек, вилоят кенгаши ижроия бюросининг ўтган йилги фаолият якунлари, партия ташкилотининг молиявий аҳволига доир масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Пленумда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

■ **Абдужалил УМАРОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«БЕКОРЧИХЎЖАЛАР ИДОРАСИМИ БУ?»

«Ўзбекистон овози» газетасининг 2000 йил 15 февраль сонидаги «Бекорчихўжалар идорасими бу? ёки тадбиркорлар шаҳри Марғилонда тадбиркорлик нега қулоч ёймаяпти?» мақоласи Марғилон шаҳар ҳокимлиги, вилоят Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси, вилоят Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси томонидан ўрганиб чиқилди ва мақолада кўрсатилган камчиликлар асосан ўз тасдиғини топганлиги аниқланди.

Ушбу масала 2000 йил 28 февраль куни Марғилон шаҳар ҳокимлигида кўриб чиқилди. Марғилон шаҳар Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси (О.Ганиев), Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Марғилон шаҳар бўлими (Б. Турғунов), Саноат қурилиш банки шаҳар бўлими (А. Шерматов) йўл қўйган камчиликлари алоҳида кўрсатиб ўтилди. Марғилон шаҳар Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси ва унинг муовинлари, мутасадди раҳбарларга нисбатан молиявий ва интизомий жазо чоралари кўрилди.

Мақолада кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли тадбир ишлаб чиқилиб, унга асосан, Марғилон шаҳридаги Й. Охунбобоев номли музейда тадбиркор ва ҳунармандлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг доимий кўргазмасини ташкил этиш, тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, уларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий билимларини ошириш мақсадида Тадбиркорлар палатаси ва вилоят бизнес мактаби ўзаро шартнома тузиб, қисқа муддатли курслар ташкил қилиш, чет эл инвестицияси бўйича таклифларни тадбиркорларга етказиш ишларини йўлга қўйиш, шунингдек, банклар томонидан кредитларни биринчи навбатда тадбиркорларнинг ишлаб чиқаришга қаратилган лойиҳаларини молиялаштириш каби бир қатор вазифалар белгиланди.

Марғилон шаҳар Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ва тегишли тижорат банкларига мақолада кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш, палата ва бошқа бозор инфратузилма идораларининг фаолиятларини тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ишларини тўғри йўлга қўйишлари учун шу йилнинг май ойигача муҳлат берилди ва улар томонидан бажарилган ишлар якуни бўйича олиб бораётган фаолиятларига баҳо бериш ҳақида огоҳлантирилдилар.

■ **Фарғона вилояти ҳокимининг ўринбосари А. МУРАТОВ**

ХАЛҚ БИЛАН ҲАМНАФАС ЯШАШ ВА ИШЛАШ – ОЛИЙ БУРЧ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Қизириқ туманидаги «Оққар», Музрабод туманидаги Навоий номли жамоа хўжаликлари гектаридан 10 центнерга ҳам етказиб ҳосил ололмаганини нима деб аташ керак?

Бундай аянчли аҳвол ғалла етиштириш бўйича ҳам мавжудлигини таассуф билан айтиш керак. Бу соҳага назар ташлайдиган бўлсак, кейинги беш йилда бошоқли дон ҳосилдорлиги 13 центнерга, шоли ҳосилдорлиги 4,5 центнерга пасайиб кетганини кўрамиз.

Давлатга дон сотиш режаси ўтган йили вилоят бўйича 54,8 фоизга бажарилган бўлса, бу кўрсаткич Бандихон, Ангор, Қизириқ, Қумқўрғон, Олтинсой, Узун, Шеробод туманларида 38-50 фоизда қолиб кетди.

Вилоятдаги ғаллачилик билан шуғулланадиган хўжаликлардан атиги иккитаси ғалла тайёрлаш режасини бажарган, холос.

Олтинсой туманидаги «Ғолиб», «Хўжасоат», Узун туманидаги «Хурсанд», Бандихон туманидаги «Дўстлик», Термиз туманидаги «Учқизил» сингари хўжаликларда ғалла ҳосилдорлиги 5-10 центнер атрофида, 41 та хўжаликда 10 центнер, 52 та хўжаликда эса ўртача 15 центнерни ташкил этди.

Албатта, бу аянчли аҳволнинг сабаби сўралса, айб табиий офатга — кутилмаган «занг» касалига олиб бориб тақалади. Тўғри, бултур вилоятда шундай ҳолат содир бўлганини ҳеч ким инкор этмайди.

Бироқ, таҳлиллар мазкур ҳолнинг сабаби фақат бунда эмаслигини кўрсатиб турибди. Ғаллачиликда ҳосилдорликнинг пасайиши фақат ўтган йили рўй бергани йўқ, кейинги тўрт-беш йил давомида кўпгина туманлар ва хўжаликлар учун оммавий «касаллик»ка айланиб қолди.

Бу фикрни бошқа соҳалар тўғрисида ҳам айтиш мумкин. Сабзавот ҳосилдорлиги ўтган йили 1998 йилга нисбатан 8 центнерга камайган, узум етиштириш эса 80 минг тоннадан 55 минг тоннага тушиб кетган.

Сўнгги йилларда боғ майдонлари 1200 гектарга камайган. Оқибатда вилоятдаги мева ва узумни қайта ишлайдиган ўнга яқин корхона тўлиқ қувват билан ишламаяпти. Улар ўтган йили 34 минг тонна ўрнига фақат 11 минг тонна узумни қайта ишлади. Ўтган йили вилоятда 700 гектар ўрнига атиги 138 гектар майдонга картошка экилган бўлиб, айрим хўжаликларда гектаридан олинган ҳосил 20 центнерга ҳам етмайди.

Натижада қишлоқ хўжалик корхоналарининг молиявий аҳволи ёмонлашиб бормоқда. Буни шу йилнинг 1 февралигача бўлган маълумотга кўра, уларнинг дебиторлик қарзлари 2 миллиард 503 миллион сўм, кредиторлик қарзлари эса 6 миллиард 45 миллион сўмдан ортиб кетганидан ҳам билса бўлади.

Вилоятдаги 47 та жамоа ва ширкат хўжалиги 1999 йилни деҳқончилик соҳаси бўйича 713 миллион 315 минг сўм зарар билан якунлаган. Айниқса, Шеробод туманидаги В.Қодиров номли хўжалик 102 миллион сўмдан зиёд, Денов туманидаги Амир Темур номидаги хўжалик 60 миллион сўмдан ортиқ, Шўрчи туманидаги Дониёров номли хўжалик эса 36 миллион сўм зарар билан чиққан.

Ахир, бу аҳволда бундай хўжаликларда ишлайдиган, шу ерда яшайдиган одамларнинг тирикчилиги, турмуш шароитини яхшилаш ҳақида гап бўлиши мумкинми? Вилоятда раҳбарман, шу юртнинг етакчисиман деб гердайиб юрган кимсалар бу ҳақда ўйлайдими-йўқми?

Ёки чорва соҳасини олайлик. Афсуски, бу борада ҳам аҳвол бундан яхши эмас. Қорамоллар сони 3 минг 500 тага, соғин сигирлар сони эса 1 минг 38 тага камайган. Ўтган йили чорвачиликдан 118 миллион сўмдан ортиқ зарар кўрилган.

Хўш, вилоят қишлоқ хўжалигида, айниқса, пахтачилик ва ғаллачиликда юзага келган бундай аянчли ҳолатнинг сабаблари нимада?

Бунинг сабаблари кўп, лекин энг асосийлари ҳақида тўхталиб ўтайлик.

Аввало, бу нуқсонлар агротехник тадбирларнинг ўз вақтида сифатли ўтказилмаслиги билан боғлиқ. Ўзингиз айтинг, кузги шудгорлаш пайтида фақат 35 фоиз ерга минерал ўғит солинган бўлса, 50-60 фоиз ер текисланмай қолиб уруғ қадашга тайёрланмаган бўлса, суғориш ишлари сифатли ташкил этилмаса, қандай қилиб бу майдонлардан белгиланган ҳосилни олиш мумкин?

Ёки бир қатор туманларда бошоқли дон экинлари кучли даражада шўрланган, мелиоратив ҳолати ёмон, 2-3 йил давомида ғалла экиб келинган, ўт босган майдонларга экилаётганига, техника воситалари мавсумга сифатли тайёрланмаётганига нима деса бўлади?

Вилоятда уруғчилик масаласи билан ҳеч ким жиддий шуғулланмаяпти. Йиллар давомида синовдан ўтган, Сурхон воҳасининг ер шароитига, иқлимига мослашган, бир вақтлар мўл ҳосил берган уруғ навлари қаёқда қолди?

Гап шундаки, элита уруғ етиштириш билан шуғулланадиган хўжаликларга эътибор сусайиб кетган. Касалликларга чидамли, истиқболли янги навларни кўпайтириш бўйича етарли даражада иш олиб борилмаяпти. Энг ачинарлиси, ана шу хўжаликларнинг ўзи агротехника қоидаларига риоя этмаслиги натижасида яхши навларнинг ҳам сифати бузилмоқда.

Хўш, республикамиздаги каттакатта илмий даргоҳларда ўтирган, уруғчилик масаласига бевосита жавобгар бўлган олимлар қаёққа қараяпти?

Ўтган хўжалик йилининг салбий натижалари сабабини суриштирсангиз, вилоят раҳбарлари, боя айтганимдек, ғалла «занг» касалига чалинганини важ қилиб кўрсатишади. Аммо қишлоқ хўжалигидаги бундай касалликлар бугун пайдо бўлиб қолгани йўқ-ку.

Хўп, вилоятда шу ҳолат юз берибди, лекин ўсимликлар ҳимояси билан шуғулланадиган идораларнинг мутахассислари ғаллакорларни бу офатдан ўз вақтида огоҳлантириши, керакли кимёвий дорилар ва ускуналар билан таъминлаши, энг муҳими, кимдир бу ишларга бош-қош бўлиши керакмиди-йўқми?

Нима, ғўзанинг қушандаси бўлган вильт касалига чора топган олимларимиз бу касалликнинг олдини ололмайдими?

Ҳамма гап шундаки, бу борада аввало масъулиятсизлик, бепарволик, ўзибўларчилик, лоқайдликка йўл қўйилган.

Афсуски, вилоятда ўтган йилги камчиликлардан ҳали-бери хулоса чиқариб олингани йўқ. Ғалла майдонларининг бугунги аҳволи бултурги хатолар давом этаётганини кўрсатиб турибди. 96 минг гектар суғориладиган майдонга экилган бошоқли дон экинларининг ривожи аксарият майдонларда ниҳоятда суст.

Бу йил ҳам Ангор, Жарқўрғон, Узун туманларида «занг» касаллиги пайдо бўлди. Ҳукумат топшириғи билан унга қарши кураш чоралари кўрилмоқда. Лекин бошқа туманлар ҳам хотиржамликка берилмасликлари, бу офатнинг тарқалиб кетмаслиги учун қатъий ва самарали чораларни кўришлари зарур.

Деҳқончилик учун яна бир офат бўлган чигиртка балосининг бу йил ҳам экинзорларга зарар етказиш хавфи бор. Мутахассисларнинг кузатишича, Шеробод, Бойсун, Музрабод туманлари ҳамда Туркманистон ва Тожикистон билан чегарадош ерларда марокаш чигирткасининг кўплаб тухум қўйгани аниқланган. Бу офатнинг олдини олиш учун ҳозирданоқ барча чораларни кўриш керак.

Албатта, Сурхондарё вилоятида рўй бераётган оқсоқлик ва нуқсонлар ҳақида яна кўп гапириш мумкин. Лекин энг катта камчилик — ишни тўғри ташкил эта билмасликдан иборат.

Вилоятда ҳамон эски тузумдан қолган маъмурий-буйруқбозлик усули яшаб келмоқда. Мутасадди раҳбарларда мулкка, ерга бўлган муносабат ҳамон ўзгармаяпти. Деҳқонда эгалик ҳиссиётини тарбиялаш мақсадида унинг меҳнатини адолатли баҳолаш, уни рағбатлантириш йўқ. Шу туфайли одамларда моддий манфаатдорлик туйғуси шаклланмаяпти. Кишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш мақсадида қабул қилинган, хўжаликлар ва деҳқонларнинг иш юритишдаги мустақиллиги ва эркинлигини таъминлашга қаратилган қонунлар ҳаётга жорий этилмаяпти.

Мисол қидириб узоққа боришнинг ҳожати йўқ. Айтайлик, атиги 10-15 центнердан ҳосил етиштириб зарар кўриб ишлаётган жамоа хўжаликларининг ерларини ишнинг кўзини биладиган, омилкор фермерларга бўлиб бериш мумкин эмасми?

Мумкин, албатта. Лекин ана шундай 67 та иқтисодий ночор хўжаликнинг ҳар бирини тепасида камида 20-30 тадан бошқарув ходими ўтирибди. Табиийки, бу одамлар ўз мансабидан, ўз манфаатидан жудо бўлмаслик учун бу ишга тўсқинлик қилади. Бу масалани ҳал этиш бевосита вазифаси бўлган вилоят, туман раҳбарлари эса, афсуски, ўзининг савияси, билими, қатъиятлиги, жонкуярлиги етишмагани туфайли бу ҳақда бош қотирмайди.

Деҳқон ҳақиқий маънода ер эгасига, мулк эгасига, ўзи яратаётган бойликнинг хўжайинига айланмас экан, унинг ишида самара бўлмайди, деб ҳаммамиз қайта-қайта гапирамиз, аммо қачон бу борада амалий ишларга ўтамиз? Қачон Сурхондарёда бу масалада ўзгариш бўлади?

Вилоятда сўнгги икки йил давомида 76 та хўжалик мулкий пай ва меҳнатни ташкил қилишнинг оилавий пудрат усули асосида ишлайдиган кооператив-ширкат хўжаликларига айлантирилган эди.

Аммо текширишлар бу ишнинг фақатгина қоғозда амалга оширилганини кўрсатмоқда. Ерлар оилавий пудратчиларга номигагина бўлиб берилган, лекин улар ернинг ўзига қанча муддатга берилганини ҳам билмайди, қўлида бу ҳақда ҳужжати йўқ.

Ҳолбуки, қишлоқ хўжалигига оид қонунларда бу масалалар очиқ-равшан ечиб берилган.

Фермер хўжаликларининг аҳволи таҳлил этилганда ҳам жиддий нуқсонлар кўзга ташланади. Бугунги кунда вилоят бўйича 2 минг 814 та фермер хўжалиги бор. Уларнинг пахта етиштиришдаги улуши 36,7 фоизни, ғаллачиликда эса 25,7 фоизни ташкил этади. Албатта, уларнинг барчаси ҳам бирдек ишлаяпти, деб бўлмайди.

Аксҳолда, вилоятда ташкил этилган фермер хўжаликларининг қарийб эллик фоизи амалда мустақил эмаслигига нима дейиш керак? Улар бирон-бир ташкилот ёки корхона билан шартнома тузолмайди, банк операцияларини амалга оширолмайди. Чунки уюшма ва хўжаликлар қонунга зид равишда бу ҳуқуқни улардан тортиб олган.

Бундай бемаъни, соғлом ақлга тўғри келмайдиган антиқа усулларни ким ўйлаб чиқарди?

Аслида, бу уюшмаларнинг бурчи хўжайинлик қилиш эмас, балки фермерларнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоялаш, уларга кўмак бериш, шароит туғдириб бериш, мададкор бўлиш эмасми?

Вилоятда қишлоқ хўжалиги ривожига халақит бераётган яна бир муаммо — ўрта ва қуйи бўғиндаги раҳбар кадрлар ва мутахассисларни танлаш ва жойжойига қўйиш масаласи билан боғлиқ.

Кейинги икки йилнинг ўзида вилоятда туман ҳокими ўринбосарларидан 32 нафари, жамоа ва ширкат хўжаликлари раҳбарларининг қарийб эллик фоизи алмаштирилган.

Афсуски, бу ўзгаришлар ишни яхшилашга хизмат қилмаган, аксинча, раҳбарларнинг ўзига ёқмай қолган кадрларни ишдан олиш, ишончини қозониб олганларга лавозим бериш мақсадида амалга оширилган.

Ҳурматли дўстлар!

Вилоят саноатининг бугунги аҳволи ҳақида гапирадиган бўлсак, бу соҳада ҳам жиддий камчиликлар мавжудлиги аён бўлади.

Масалан, ўтган йили 14 та корхона 183 миллион сўмлик саноат маҳсулотини, 20 та корхона қарийб 161 миллион сўмлик халқ истеъмол молларини режадагидан кам ишлаб чиқарганини қандай баҳолаш керак?

Корхона ва ташкилотларнинг бозор иқтисодиёти талабларини ҳисобга олмасдан иш тутгани, харидоргир маҳсулот тайёрлашни йўлга қўя олмагани натижасида вилоят омборларида 1 миллиард 606 миллион сўмликдан зиёд тайёр молар сотилмай ётибди.

Саноатни бозор иқтисодиёти талабларига биноан замонавий технология асосида қайта қуриш масаласи билан вилоятда ҳеч ким жиддий шуғулланаётгани йўқ.

Очиқ айтадиган бўлсак, аксарият корхоналар номигагина давлат тасарруфидан чиқарилиб, ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилган. Лекин, вилоят раҳбарлари, мазкур жамиятларнинг етакчилари бугунги кун талабларини, бозор иқтисодиёти қонунларининг моҳиятини тўғри англаб, ўз ишини шу асосда ташкил эта олмаяпти.

Вилоят бўйича 85 та корхона ва ташкилотнинг 456 миллион сўмлик, шу жумладан, 1999 йилда чет эл инвесторларига сотишга мўлжалланган 216 миллион сўмлик акцияларидан бирортаси ҳам ўз харидорини топмагани ҳам буни очиқ кўрсатиб турибди.

Ҳисоботларга кўра, вилоятда 31 та қўшма корхона рўйхатга олингани ҳолда уларнинг фақат 20 таси фаолият кўрсатяпти. 11 таси эса турли сабабларга кўра тўхтаб қолган, ҳатто, бир қисми тугатилиш арафасида турибди.

Энг ачинарли томони шундаки, номигагина тузилган, ишининг самараси йўқ бу корхоналарнинг аксарият қисмини қўшма корхона, деб аташга ҳам тил бормайди.

Уларнинг кўпчилиги эса ишлаб чиқаришни ташкил этиш ўрнига, олди-сотди йўлига ўтиб олган. Ҳатто, қўшма корхона сифатида Сурхондарёда рўйхатдан ўтиб, аслида Самарқанд ва Тошкент шаҳарларида тижорат билан шуғулланаётган «ишбилармонлар» ҳам йўқ эмас.

***

Бир ҳақиқатни барчамиз яхши тушуниб, ишни шу асосда йўлга қўйишимиз лозим. Қўшма корхона деганда, биз энг аввало, хорижий сармоя иштирокида қурилган, илғор технология асосида жиҳозланган, импорт ўрнини босадиган, янги маҳсулот турларини ишлаб чиқарадиган замонавий қувватларни назарда тутамиз.

Албатта, Сурхондарё вилоятида қўшма корхоналар ташкил этиш, хорижий сармояларни жалб қилишнинг ўзига яраша объектив қийинчиликлари мавжудлигини инкор этолмаймиз. Яъни Сурхоннинг чегара ҳудуди эканлиги, ён қўшниларимиз бўлган баъзи давлатлардаги беқарор вазият бунга таъсир ўтказиши табиий. Лекин, шундай экан, деб қўл қовуштириб ўтириш ҳам тўғри бўлмайди.

Муҳтарам сессия қатнашчилари!

Қишлоқ хўжалиги ва саноат соҳасида, умуман, вилоят иқтисодиётида йўл қўйилаётган оқсоқликлар ўз навбатида ижтимоий ривожланиш масалаларига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ахир, деҳқончилик ривожланмаса, маҳсулот ишлаб чиқариш ошмаса, қаердан даромад бўлади? Табиийки, бу ҳолат аҳолининг турмуш даражасини яхшилашга, мактаб, тиббий ва маиший хизмат, одамларни иш билан банд этиш муаммоларини ҳал этиш имконини бермайди.

Буни қуйидаги мисоллардан ҳам кўриш мумкин. Ғаз қувурлари ётқизиш режаси ўтган йили Бандихон туманида атиги 5,3 фоизга бажарилган. Бу кўрсаткич Қумқўрғон туманида 55, Термиз туманида 58,5, Узун туманида 54,9, Шеробод туманида 86,4 фоизни ташкил этади. Ичимлик сув тармоқларини ётқизиш режасининг бажарилиши эса Узун туманида 20,6 фоиз, Шеробод туманида эса 45,5 фоиздан ошмайди.

Бугунги кунда вилоят бўйича 46 та қурилиши бошланган иншоот мавжуд. Соғлиқни сақлаш ва халқ таълими соҳаларига қарашли кўплаб шифохоналар ва мактаб биноларининг бундан 7-9 йил муқаддам бошланган қурилиши ҳалигача якунига етмаган.

Хусусан, 1996-1999 йиллар мобайнида қишлоқ жойларда мактаблар қуриш режаси атиги 64,6 фоизга бажарилган. Бир неча йиллар олдин бошланган 27 та мактаб биносининг қурилиши тўхтатиб қўйилган.

Вилоятда 206 та қурилиш ҳамда қурилиш соҳасига тегишли ташкилот мавжуд. Ўтган йили бу ташкилотлардан 94 таси 1991 йил нархларига қиёслаганда 160 минг сўмдан 900 минг сўмгача миқдорда қурилиш ишларини бажарган бўлса, 20 та қурилиш ташкилоти бажарган иш ҳажми 100 минг сўмга ҳам етмаган.

Вилоят ҳокимлиги ҳам, республикадаги мутасадди раҳбарлар ҳам иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламаётган бу ташкилотларнинг, улардаги ишчи-хизматчиларнинг тақдирига бефарқ қараб келаётганига нима дейиш мумкин?

Буларни сақлаб туришдан мақсад нима? Мен бу саволни Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил якунларига бағишланган йиғилишида ҳам шахсан вилоят ҳокимига берган, афсуски, тайинли жавоб ололмаган эдим.

Фақат Вазирлар Маҳкамаси талаб қилгандан сўнггина банкротлик ҳолатига тушиб қолган 64 та қурилиш ташкилотининг бир қисмини бирлаштириш, бошқа ташкилотларга қўшиб юбориш ва бутунлай тугатиш ҳақида таклиф берилгани ана шу бефарқликнинг яққол кўриниши эмасми?

Бундан ташқари, қурилиш жараёнида ўтмишдан қолган қўшиб ёзиш ва кўзбўямачилик иллатлари ҳам бор.

Вилоятда янгитдан қурилаётган ва қайта таъмирланаётган 12 та касб-ҳунар коллежи ва 1 та академик лицей қурилиши текширилганда устама харажатларни ортиқча қўллаш йўли билан 26 миллион 400 минг сўмлик бюджет маблағлари нотўғри ва ортиқча ишлатилгани аниқланди.

Вилоятда соғлиқни сақлаш тизимининг ишини яхшилаш борасида бирмунча ишлар қилинганига қарамасдан, ҳали анчагина муаммолар мавжуд.

1-вилоят шифохонасининг учта бўлими авария ҳолатидаги биноларда фаолият кўрсатмоқда. Вилоят болалар шифохонаси, вилоят туғуруқхонаси, Термиз шаҳридаги тез тиббий ёрдам маркази, бир қатор туманлардаги шифохоналарнинг аҳволи талаб даражасида эмас.

Мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, таълим ва тарбия тизимида туб ислоҳотларни амалга ошириш бўйича катта ишлар қилинаётгани барчангизга яхши маълум.

Аммо, вилоятдаги халқ таълими муассасаларининг ишини қониқарли деб бўлмайди. 778 та мактабнинг 358 таси мослаштирилган биноларда жойлашган.

Мактабгача ёшдаги болаларни боғчаларга қамраб олиш вилоят бўйича атиги 13 фоизни ташкил этади. Хўжаликлар тасарруфидаги 123 та боғча турли сабабларга кўра ишламай турибди.

Вилоят мактабларида бугунги кунда энг муҳим фанлар — математика, биология, тарих, физика, кимё, инглиз тили, она тили ва адабиёти, ҳуқуқшунослик бўйича 1 минг 589 нафар ўқитувчи етишмайди.

Хўш, бу ҳолат вилоят раҳбариятини, унинг фаолларини ташвишга солиши керакми-йўқми?

Лекин вилоятда таълим соҳасига бевосита жавобгар бўлган одамларнинг баъзи бир қилмишларига нима дейиш керак?

Вилоят халқ таълими бошқармасининг бошлиғи Б.Мирзаев бошқарманинг режа ва иқтисод бўлими бошлиғи Х.Худойбердиев билан тил бириктириб, Шеробод туманидаги ёш сайёҳлар ороргоҳи директори Н.Садатовдан пора олаётган пайтда қўлга тушган ва жиноий жавобгарликка тортилган.

Унинг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари Н.Ҳайитқулов эса мактаб ва мактабгача бўлган тарбия муассасаларини таъмирлаш учун ажратилган 5 миллион сўмдан зиёд маблағни ўзлаштириб юборган.

Олтинсой тумани халқ таълими бўлими мудири К.Сувонов ҳам туман молия бўлими мудири Ч.Абдусатторов билан тил бириктириб, 197 минг сўм маблағни ўзлаштирган. Мансаб ваколатларини суиистеъмол қилган бу шахслар халқ таълимига ажратилган маблағларни нотўғри режалаштириб, давлатга 35 миллион сўм зарар етказишган.

Термиз шаҳар халқ таълими бўлимининг мудири Х.Чориевнинг кирдикорлари эса ҳаммасидан ошиб-тошади. У шаҳардаги 6 та болалар боғчасига умуман олинмаган озиқ-овқат маҳсулотларини олинди деб 21,4 миллион сўмлик бюджет маблағларини ўзлаштирган.

Энди ўйлаб кўрайлик, таълим-тарбия соҳасига мана шундай ноинсоф кимсалар раҳбарлик қилаётган бўлса, соғлом авлодни камол топтириш ҳақида гапириш мумкинми?

Халқ таълими соҳасидаги бу каби иллатлар вилоятда раҳбар кадрларни танлаш, уларни жойжойига қўйиш, уларнинг ишини талабчанлик билан назорат қилиб бориш ўз ҳолига ташлаб қўйилганидан яна бир далолат эмасми?

Афсуски, бундай қонунбузарлик ҳолатлари бошқа соҳаларда ҳам мавжуд. Ўтган йилнинг ўзида 186 та ташкилотда ўтказилган текширишлар натижасида давлатга 118 миллион сўмдан ортиқ зарар етказилгани аниқланган. Шундан 76 фоизи ёки 90 миллион 250 минг сўмини камомад ва ўғриликлар ташкил этади.

Бундай мисолларни жуда кўп келтириш мумкин.

Жарқўрғон туманидаги айрим раҳбар шахслар фуқароларнинг ҳақига, аниқроғи, нафақа пулларига ҳам чанг солиш даражасига бориб етган. Почта алоқа бўлимининг бошлиғи А.Шоймуродов ўз қўл остидаги ходимлар билан тил бириктириб, 1 миллион 805 минг сўмлик нафақа пулини ўзлаштирган.

Беихтиёр ўйлаб қоласан киши: наҳотки, қуйпа-кундузи, ҳаммаминг кўз ўнгида шундай жиноятлар содир этилсаю бутун бошли вилоятда бу нопок кимсаларнинг мушугини пишт дейдиган бирор мард топилмаса?

Вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг қонунчиликни, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш борасидаги фаолияти бугунги кун талабларига мутлақо жавоб бермайди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолиятида фуқароларни ноқонуний жавобгарликка тортиш ёки жазодан озод қилиш, тергов жараёнларини асоссиз равишда чўзиш каби салбий ҳолатлар ҳамон учраб тургани ачинарли ҳолдир.

Айниқса, хизмат вазифаси ва бурчи бевосита қонунни, давлат манфаатини, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишдан иборат бўлган идораларнинг баъзи ходимлари ҳам жиноятчиликка қўл ураётганига асло муроса қилиб бўлмайди.

Кейинги икки йилда 3 нафар судья, 54 нафар ички ишлар ходими, 11 нафар божхона ходими, 11 нафар солиқ идораси ходимига нисбатан жиноий иш қўзғатилгани шу фикрнинг тасдиғи эмасми?

Шунинг учун ҳам вилоятда жиноятлар сони 1998 йилга нисбатан ўтган йили 8,6 фоизга ошган. Жумладан, оғир жиноятлар 18,6 фоиз, босқинчилик 33,3 фоиз, талончилик 9,3 фоизга, ўғрилик 22,7 фоиз, гиёҳванд моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказиш билан боғлиқ жиноятлар 17,1 фоизга ўсган.

Биргина ўтган йилнинг ўзида моддий бойликларни ноқонуний йўллар билан вилоятдан олиб чиқиб кетишга уринган 24 нафар шахсга нисбатан 19 та жиноий иш қўзғатилиб, улардан қарийб 68 миллион сўмлик товар-моддий бойликлар давлат фойдасига мусодара қилинди.

Афсуски, бундай нохуш ҳолатлар давом этаётганини жорий йилнинг ўтган 2 ойида 3,5 миллион сўмлик моддий бойлик чегарада ушлаб қолингани ҳам кўрсатиб турибди.

Қисқа қилиб айтганда, бу соҳадаги нуқсонларнинг барчаси вилоят раҳбариятининг масъулиятсизлиги, бепарволик, ўзибўларчилик, лоқайдлик кайфиятига берилиб, ишларни ўз ҳолига ташлаб қўйгани билан изоҳланади.

Ҳурматли дўстлар!

Ўзингиз биласиз, ҳар қандай яхши ишнинг ҳам, ёмон ишнинг ҳам келиб чиқиш сабаблари бўлади.

Вилоятда юзага келган бундай ташвишли вазиятни таҳлил этадиган бўлсак, кўп камчиликларнинг илдизи шу вилоятни бошқарадиган раҳбарлар, мансабдорлар, аввало, биринчи раҳбарга бориб тақалиши ҳаммамиз учун аён.

Барчангизга маълумки, вилоят раҳбарларини танлаш ва сайлаш пайтида, биринчи навбатда, биз бўлғуси ҳоким шу воҳанинг ҳаётини, унинг муаммоларини яхши биладиган, уларни ҳал этиш учун жон куйдирадиган, шу муҳитда тобланган, фикри, дунёқараши, турмуш тарзи шу ердаги одамларга яқин бўлиши керак, деган қараш ва принципларга суянамиз.

Яна бир бор такрор айтмоқчиман: ўзини етакчи деб, раҳбар деб, карвонбоши деб ҳис қиладиган, ўз зиммасига раҳбарликнинг ўта оғир масъулиятини оладиган одам шу юртнинг ғамташвишлари, бир сўз билан айтганда, **шу эл-юрт нафаси билан яшаши, ҳаёт кечириши керак**

Мана шундай ўй-фикрларга асосланиб, 1993 йили вилоятга янги раҳбар, янги ҳоким тайинлашда Жарқўрғон тумани ҳокими бўлиб ишлаётган Жўра Норалиев номзодига тўхтаган эдик.

Тўғри, Норалиев Сурхондарёнинг нафақат иқтисодий ҳаёти, керак бўлса, маданий ҳаётининг ўсиши, вилоятда ўтказилган текширишлар натижасида давлатга 118 миллион сўмдан ортиқ зарар етказилгани аниқланган. Шундан 76 фоизи ёки 90 миллион 250 минг сўмини камомад ва ўғриликлар ташкил этади.

Бундай мисолларни жуда кўп келтириш мумкин.

Жарқўрғон туманидаги айрим раҳбар шахслар фуқароларнинг ҳақига, аниқроғи, нафақа пулларига ҳам чанг солиш даражасига бориб етган. Почта алоқа бўлимининг бошлиғи А.Шоймуродов ўз қўл остидаги ходимлар билан тил бириктириб, 1 миллион 805 минг сўмлик нафақа пулини ўзлаштирган.

Беихтиёр ўйлаб қоласан киши: наҳотки, қуйпа-кундузи, ҳаммаминг кўз ўнгида шундай жиноятлар содир этилсаю бутун бошли вилоятда бу нопок кимсаларнинг мушугини пишт дейдиган бирор мард топилмаса?

Вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг қонунчиликни, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш борасидаги фаолияти бугунги кун талабларига фаолиятидаги камчиликлари ҳақида, ташкилотчилиги, талабчанлиги, қатъияти етишмаётгани тўғрисида, шу боис кўпгина нохуш ҳолатлар пайдо бўлаётгани ҳақида огоҳлантирганимиздан, унга жуда қаттиқ талаб қўйилганидан кўпчилик хабардор, деб ўйлайман.

Афсуски, тегишли хулосалар чиқарилмади.

Охирги пайтларда у нафақат ўзига, балки вилоятнинг бошқа раҳбарлари, туман ҳокимларига нисбатан талабчанликни бўшаштириб юборгани, мавжуд нуқсонларга қарши муросасиз бўлиш, уларга қарши курашиш масаласида **ўзининг заиф бўлганини кўрсатди.** Камчилик ва хатоларни кўра-била туриб, ўзини кўрмасликка олди.

Ҳаммамиз яхши тушунамиз - бундай ҳолат ҳеч қачон яхшиликка олиб келмайди — охир-оқибатда вилоятдаги ижтимоий муҳитни бузишга сабаб бўлиши муқаррар.

Энг кечириб бўлмайдиган ҳол — бу одамнинг ҳам кейинги вақтда қариндош-уруғчилик, ошна-оғайнигарчилик, маҳаллийчилик гирдобига тушиб қолганида.

Акс ҳолда, вилоят нефть маҳсулотлари корхонаси, вилоят газлаштириш идорасининг бошлиқларидан ташқари яна 7 та ана шундай йирик ташкилотнинг раҳбарлари ҳам бевосита унинг ҳамшаҳарлари, қариндош-уруғлари эканини қандай изоҳлаш мумкин?

Мени катта ташвишга солаётган ҳолат шуки, бундай уруғ-аймоқчилик, ошна-оғайнигарчилик, маҳаллийчилик, қабилабозлик иллатларига нафақат биринчи раҳбар — менда етарли далиллар бор — бундай касалликка, эскидан қолган бу оғир асоратга вилоятдаги кўпчилик раҳбар курсисида ўтирганлар ҳам берилиб кетган.

Бундай интилиш, кайфият ва ҳаракатлар, сўзсиз, аввало, халқимизнинг раҳбарларга бўлган ишончини, ҳурматини, энг ёмони, одамларнинг ҳақиқатга, адолатга бўлган ишончини йўқотишга олиб келиши табиийдир.

Афсуски, бу иллатнинг айрим ҳудудларда, жумладан, Сурхондарёда ҳам нохуш оқибатлар келтириб чиқараётганини ҳаммамиз кўриб турибмиз. Иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларнинг оқсаётганлиги ҳам, халқнинг турмуш фаровонлиги ўсмаётгани ҳам, қатор долзарб муаммоларнинг вақтида ечимини топмаётгани ҳам бир жиҳатдан ана шу иллатга боғлиқ.

Мен бу борада ўзимни қийнайдиган бир саволни беришга мажбурман.

Нега шу юртнинг тузини тотиб улғайган зиёлилар, элга таниқли фан ва маданият вакиллари бу масалага бефарқ бўлиб туради? Нега уларни, қачон биз бу касалликдан қутуламиз, деган савол қийнамайди?

Қачонгача бундай нохуш ҳолатларга чидаб юрамиз? Нима учун бундай асоратларга қарши жамоатчилигимизни кўтармаймиз? Унинг кучи ва имкониятларини ишга солмаймиз?

Бундай масала, бундай вазифа ҳар қайси инсон, мана шу муқаддас замин она юртим бўлади, деб, барчамиз учун яккаю ягона бўлган мана шу Ватан — менинг ўзим, менинг фарзандларим, келажак авлодларимнинг ҳам Ватани, деб ҳис қиладиган ҳақиқий жонкуярлар олдида уларни бефарқ қолдирмайдиган, уларнинг қалбини ёндириб турадиган савол бўлиб қолишига қаттиқ ишонаман.

Сурхондарё вилоятида бу борада ҳали кўп иш қилишимиз зарур. Бунда биз биринчи галда мана шу заминда яшайдиган, уни ўзининг она юрти деб биладиган, унинг ор-номуси, шаъни учун курашадиган, виждонли, диёнатли, ватанпарвар инсонларга таянамиз.

Сурхон воҳаси олдида турган улкан вазифаларни амалга оширишда, йўл қўйилган нуқсон ва камчиликларни бартараф этишда халқ депутатлари вилоят ва туман кенгашларининг масъулияти ҳақида гапириш ортиқча, деб биламан.

Агар биз жамоат ташкилотларининг кучини бирлаштириб, давлат идоралари, қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимияти устидан жамоат назоратини ўрнатса олмас эканмиз, юқорида тилга олинган иллатлар олға юришимизга халақит бераверади.

Жамоат назоратининг моҳияти шундаки, барча жамоат ташкилотлари, маҳалла оқсоқоллари, халқ депутатлари, фаоллар, ҳаммаҳамма бир ёқадан бош чиқариб, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг изчиллигини, катта-кичик раҳбарларнинг ишга муносабатини назорат қилиб, уларнинг камчиликларини рўй-рост очиб ташлаши керак.

Бу ишда айниқса оммавий ахборот воситалари фаоллик кўрсатиши лозим. Афсуски, вилоятда чоп этилаётган газеталарда ҳам, телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришларда ҳам журналистларнинг жонкуярлиги, ташаббускорлиги, фидойилиги сезилмаяпти.

Ҳурматли депутатлар!

Юқорида зикр этилган мулоҳаза ва хулосаларни ҳисобга олган ҳолда, бугунги мажлисимизнинг кун тартибига қўйилган ташкилий масаланинг амалий қисмига ўтайлик.

Жўра Норалиев вилоятда мавжуд бўлган вазиятни инобатга олиб, ўз фаолиятини танқидий баҳолаб, Сурхондарё вилояти ҳокими вазифасидан озод қилиш тўғрисида ариза берганини сизларнинг эътиборингизга етказмоқчиман. Бу масалани овозга қўймоқчиман.

Энди вилоятга янги сайланадиган ҳоким ҳақида гапирадиган бўлсак, аввало шуни айтиш керакки, биз бу масала юзасидан кўп ўйлаб, мулоҳаза қилиб, вилоятдаги фаоллар билан ҳам маслаҳатлашиб, уларнинг фикрлари, истакларини ҳам инобатга олган ҳолда, вилоятда рўй берган нохуш ҳолатларга бундан буён чек қўйиш мақсадида **бу ердаги маҳаллийчилик, қариндош-уруғчилик таъсиридан ҳоли бўлган раҳбарни тавсия этишга қарор қилдик.**

Очиқчасига айтсак, тили қисиқ, қўли боғлиқ бўлмаган раҳбарга алоҳида эътибор беришга тўғри келди. Шу билан бирга, қишлоқ хўжалик масалаларини, жумладан, Сурхондарёдаги муаммоларни ҳам яхши биладиган, ҳаёт тажрибасига эга, шу юртнинг барча-барча қийинчиликлари, оғирини кўтаришга тайёр бўлган шахс атрофида кўп-кўп фикр алмашиб олишга тўғри келди. Шуларнинг барчасини инобатга олиб, ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири бўлиб ишлаётган Олимжонов Бахтиёрни Сурхондарё вилояти ҳокими лавозимига тавсия қилмоқчиман.

Ўйлайманки, бу номзодни кўпчилик бу ерда ўтирганлар яхши танийди.

Бу киши 1949 йили туғилган, мутахассислиги бўйича муҳандис-механик, бутун иш фаолияти давомида қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаб келади.

Узоқ йиллар мобайнида Андижон в

ШУКУХ

НУР СОЧАВЕР, НАВРЎЗ ҚУЁШИ

Ўзбекистондек Ватан ҳаммамиз учун азиз. Андижон ана шу буюк юртнинг мўъжаз гўшаси. Мамлакатимиз истиқболи, халқимиз фаровонлиги учун фидойилик билан меҳнат қилиш бу маконда яшаётган ҳар бир инсоннинг дил амри бўлиб қолди. Деҳқончиликда яратилган ибрат мактаби, қад ростлаган муҳташам кошоналар, барпо этилган боғу бўстонлар, ишга туширилган қўшма корхоналар илгарилаш тимсоли бўлмоқда. Наврўз оғушида Андижон ўзгача мафтункорлик билан безанди. Кўнгилларда янгиланиш сурури, ўзлик ғурури.

Қутлуғ тонгда карнай-сурнай садолари барчани улуғ байрам — Наврўз тантанасига чорлади. Андижонда бошланган шодиёна шукуҳи ҳар томонга таралди. Шаҳрихон шаҳри ўйингоҳида кўпчилик жамулжам бўлди. Таниқли ҳунармандлар меҳнатию маҳорати-ла ясалган буюмлар, чеварлар қўлида жило топган сўзанаю шоҳи қийиқлар, дўппилару кийимлар, маҳаллалар, жамоаларнинг бетаккор айём кўргазмасида ҳам Наврўз нафаси намоён.

Юртбошимизнинг Наврўз табриги кўнгилларни қувонтирди. Янгиланиш, меҳр-оқибат, эзгулик байрамининг бошланишини билдирди. Хушовоз хонанда Толибжон Зокировнинг қўшиғида ҳам Наврўз, улуғ аём, она таърифи:

Бор бўлсин дунёда
Она алласи,
Юртимда жаранглар
Наврўз ялласи...

Наврўз кунида ўйин-кулгу, сумалак сайили, саҳоватлилик мужассам. «Ривож-Тьян-жин» ўзбек-хитой қўшма корхонасини ишга туширган тадбиркор ака-ука Қобилжон, Комилжон Отахоновлар ҳаракати туфайли ўн икки боланинг суннат тўйи хурсандчилик билан бошланди. Алишер, Абдурашид, Абдували, Бобурбек, Ботирбек, Искандарсоний, Толибжон, Оллоберди, Ўткирбек, Шоносирбек, Шавкатбеклар қатор бўлишганида ҳудди баҳодирлардек юз-кўзларида болаларга хос қувонч, бахтиёрлик балқиди.

Деҳқонбобо билан Баҳоройнинг давра айланиши Наврўзга пешвозлик тимсоли. Гуллар тутган болажонлар мисоли баҳор чечаклари. Улар бизнинг, юртимизнинг, Наврўзимиз умидлари, келажаклари...

Ёшу кекса, қадрдон дўст бир-бирини бағрига босиб дил сўзларин изҳор этади. Эзгутилаклар тилдан тушмайди.

— Бу азамат ўғлонлар фарзандларимиздек азиз, — дейди Қобилҳожи Отахонов болаларни эркалатиб. —Яратганнинг ўзи ҳаммамизни уларнинг уйланиш тўйларида қатнашишни насиб айласин.

Дастурхон атрофидаги болаларни барча табриклади. Ўн икки баҳодирнинг қучоғи совға-саломларга тўлди. Ҳар бири банкка қўйилган пул дафтарчасини олди. Куй-қўшиқлар янгради.

—Юртимизнинг Қобилжону Комилжондек саҳоватли инсонларидан хурсандмиз, — дея қалб сўзларини изҳор этди Ҳалимахон Абдуллаева. — Фарзандларимизга кўрсатилган меҳр-мурувватни умр бўйи унутмаймиз. Тадбиркорларнинг иши ҳамиша юришсин.

Саҳоват, савоб, меҳр-оқибатнинг умри узун, қадри баланд. Наврўз қўёши мисол қалбларимизга ҳарорат беради. Инсоний баркамолликка ундайди.

Шу куни Шаҳрихоннинг ҳар бир хонадону жамоасида Наврўз нафаси уфурди. Миллий банк Шаҳрихон бўлими жамоаси қувончли онларда мижозларга марҳамат кўрсатди. Банк ходимларию мижозларнинг бир пиёла чой билан дилкаш мулоқоти бўлди. Шунда тадбиркорлардан бири «Банк ҳар доим мижозларга мана шундай бағрини очса», деб дилдагини билдирди. Унинг холис сўзига бошқалар ҳам қўшилишди.

Наврўз тантаналари маҳалла, қишлоқларга, жамоа хўжаликларига кўчди. «Шаҳрихон»ширкат хўжалиги пахтакорлари 351 гектар майдонга чигитни плёнка остига беш иш кунида сифатли экишга эришиб, Наврўзга меҳнат туҳфаси тайёрладилар. Вилоят ҳокимининг табрик телеграммасини олиб, руҳланиб ишладилар.

— Бу йил «Оқдарё-6» пахта нави чигитини экдик, — деди «Шаҳрихон» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Муҳаммаджон Йўлдошев. —Ўтган йили эришган муваффақиятни бу йил мустаҳкамлаш мақсадимиздир.

Наврўз кунларида қизларимиз эгнида камалакдек товланган хонатласларни шаҳрихонлик опа-сингиллар тўқиганлар. Қишлоқ тадбиркори Одинахон Отахоновадек чеварлар тиккан қўркам кийимларнинг фусункорликка уйғун одмилиги кўкламдан кўчгандек туюлади.

Ўтган кун шукри, эртанги кун умиди Нодирабегим нигоҳи тушган, Оразийга илҳом берган Шаҳрихондек юрт кишиларига ҳамиша йўлдош. Наврўзнинг ҳар куни қўёш янглиғ уларнинг кўнглини ёритяпти.

■ **Аҳмадилло СОЛИЕВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ҳурсандбек АРАББОЕВ олган суратлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида парламент қўмиталари ва комиссияларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис биринчи сессиясидаги нутқидан келиб чиқадиган 2000-2004 йилларга мўлжалланган қонунчилик ва назорат фаолияти устуворликларининг дастури лойиҳасини тайёрлаш бўйича ишлари якунларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Уни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқарди.

Қўмита ва комиссияларнинг келгуси беш йилликдаги фаолиятининг асосий йўналишлари жамият ҳаётининг барча томонларини эркинлаштиришни таъминлаш, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, аҳолининг фаровонлигини ва ижтимоий ҳимояланишини ошириш, тинчлик, миллатлараро тотувликни сақлаш ва мустаҳкамлашга қаратилган янги қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш, амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришдан иборат бўлиши зарурлиги таъкидланди.

Дастур лойиҳаси, қонунчилик ишини кучайтиришдан ташқари, қўмиталар ва комиссияларнинг назорат-таҳлил фаолиятини анча фаоллаштириш, уларнинг Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ва Олий Мажлиси ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти билан ўзаро ҳамкорлигини кучайтиришга доир тадбирларни ҳам қамраб олади. Бу тадбирлар инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этиш юзасидан парламент назоратининг самарадорлигини ошириш, қонун лойиҳаларини илмий экспертиза қилишни кенгайтириш, Олий Мажлис депутатларига услубий ёрдам кўрсатишни кучайтириш имкониятини беради.

Лойиҳада фуқаролар мурожаатлари билан ишлашга, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва парламентлараро алоқаларни мустаҳкамлашга, Олий Мажлис ваколатига кирувчи бошқа масалаларга ҳам жиддий эътибор қаратиш мўлжалланмоқда. Семинарлар, конференциялар, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирларни ўтказиш каби иш усулларини янада кенгроқ қўллаш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, йиғилишда ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилиши назарда тутилаётган бир қатор қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.

■ **(ЎзА)**

НАВРЎЗ — ДЎСТЛИК ЭЛЧИСИ

Баҳорнинг гўзал март ойи байрамларга бой. Шу кунларда республикамизнинг кўплаб корхона ва ташкилотларида Наврўз байрами нишонланмоқда. Шунингдек, байрам арафасида янги иншоотлар, бинолар, ўқув муассасаларини фойдаланишга топшириш яхши анъанага айланиб қолган.

Шу кунларда Покистон Ислом Республикасининг Тошкентдаги элчихонасининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Ушбу воқеага бағишланган тантанали маросимда Покистон Ислом Республикасининг Фавқулодда ва мухтор элчиси Фазал Ғафоор сўзга чиқиб, 23 март унинг Ватанида энг муҳим байрам — Покистон куни сифатида нишонланишини қайд этди. Шунингдек, элчи жаноблари ушбу маросимга йиғилган дипломатик корпус вакиллари, республикамиз жамоатчилиги вакилларини Наврўз байрами муносабати билан қутлади.

***

Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши қошидаги Ўзбекистон — Германия дўстлик жамияти аъзолари ҳам Наврўз байрамини нишонлашди. Байрам дастурхони атрофида Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси вакиллари, Ўзбекистон — Германия дўстлик жамияти аъзолари, республика жамоатчилиги вакиллари тўпланди.

■ **З. БОБОЕВА**
(ЎзА)

БЕЗГАКДАН ҲАЛОК БЎЛИШМОҚДА

Индонезиянинг Флорес ва Сумбава ороллари да ҳар йили ярим миллиондан ортиқ аҳоли безгак касаллигидан ҳалок бўлмоқда. Бу касаллик ўта юқумли бўлганлиги туфайли аҳоли ўртасида тез тарқалаётир.

Индонезия ҳукумати фуқаролар соғлиғини муҳофаза қилиш учун бор имкониятларни ишга соляпти. Аммо дори-дармон танқислиги туфайли аҳолининг аксарият қисми уй шароитида даволанишга мажбур бўлмоқда.

ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ТАКОМИЛИ

Жамиятимизда содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ҳаётимизнинг барча жабҳаларига ўзининг таъсирини кўрсатмоқда. Буни давлатимиз томонидан олий таълим тизимига қаратаётган эътибордан ҳам кўришимиз мумкин.

Ҳар соҳада бўлганидек, олий таълим соҳасини молиялаштириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш катта аҳамиятга эга. Кадрларни тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ, қарийб 8 минг ўқувчига мўлжалланган 13 та академик лицей, 58 минг ўқувчига мўлжалланган 90 та касб-ҳунар коллежи ишга туширилди. Уларнинг моддий-техник базаси жаҳон стандартлари талабларига жавоб берадиган даражада таъминланди.

Олий ўқув юртларига қиладиган харажатлар ҳам йилдан-йилга ўсиб бормоқда. 1993 йилда талабалар стипендиялари учун 23 млн. сўм ажратилган бўлса 1999 йилга келиб бу кўрсаткич 15,814 млн.га, ўқитувчилар ойлик маошларига 1993 йилда 277 млн.дан 1999 йилда эса 83,038 млн.га, лаборатория жиҳозлари, компьютер аппаратлари ва бошқа асбоб ускуналарга ажратилган маблағлар 1993 йилда 8 млн. сўмни ташкил қилса 1999 йилга келиб 2,421 млн. сўмга етди. Кейинги икки йилда шу соҳа харажатлар ҳажми йилига 25 фоиздан ошмоқда. ***(Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги. 1999 йил апрелигача бўлган маълумотлар.)***

Буни жаҳон кўрсаткичларига солиштирадиган бўлсак: масалан АҚШда таълим учун харажатлар 23,9 млрд. доллардан (миллий даромаднинг 5,8 фоизи) 244,4 млрд. доллар (7,5 фоизи)га, шу жумладан олий таълим учун 7.1 млрд. доллардан (1.7 фоиз) 95.5 млрд. доллар (1.7 фоиз)га ўсган.

Бу маблағлар асосан бюджет ҳисобидан қопланади. Олий таълимни ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш асослари ҳали тўлиқ илмий асосда ўрганилмаган.

Таркибий тузилишига кўра олий таълим мактабларининг моддий базаси — асосий фондлар ва арзон баҳоли тез эскирувчан буюмлар гуруҳидан иборат. Асосий воситалар сифатида бинолар, иншоотлар, алоқа қурилмалари, машиналар ва ускуналар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш хўжалик инвентари, ишчи ва маҳсулот берувчилар, кутубхона фонди ва бошқа асосий воситалар ўрин тутади.

Ҳозирги кунга келиб олий таълим тизимига тушадиган молиявий маблағларнинг 3 та асосий йўлларини кўриб чиқиш мумкин: Давлат томонидан молиялаштириш; вазирликларга, юқори ташкилотларга, кооператив ва умумжамият корхоналарига мутахассисликлар тайёрлаш учун ҳаражатлар; буюртмачилар ва жамоат томонидан тузилган шартномалар учун харажатлар.

Шуни таъкидлаш жоизки, молиявий манбаларнинг кўп қирралигини бошқа чет мамлакатларда ҳам кузатиш мумкин. Масалан, АҚШда олий ўқув юртлари молиявий манбаларни 40 дан ортиқ ҳар хил федерал муассасалардан олади.

Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, эндиги дозарб масала Олий таълим тизими ҳам молиявий манбаларнинг янги, ҳар томонлама фойдали қирраларини топишдир. Ўқув юртлари қошида ўз-ўзини маблағ билан таъминлашнинг тадбиркорлик йўллари ёки бошқа хил ишлаб чиқариш йўлларини яратиш, уларни ривожлантириш зарур.

■ **Улуғбек БЎРИБЕКОВ,**
Тошкент давлат иқтисодиёт университети ўқитувчиси

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

НАСРГА ТОҒ БЎЛИБ КИРИБ КЕЛГАН ЗОТ

Бу одам ҳақида ёзиш осонмас. Фақат унинг ёзганларини ўқиб, тан бериш керак. Сўзлар, жумлалар, гап охиридаги уч нуқталар, лўндалик. Хуллас, одамни тортади ўзига. У чизади. Шундайин таъсирчан ва чиройли қилиб, гоҳида шафқатсизлик билан чизади. У адабиётнинг рассоми.

Ўлмайдиган ёзувчи. Бундай кишилар дунёга, умуман, адабиёт дунёсига кам келади. Шунинг учун ҳам адабиётда зўрлар кам бўлади. Бошқалар чинакам истеъдоднинг атрофида айланиб юраверадилар.

Хуллас, 60-йилларда ўзининг «Ўн саккизга кирмаган ким бор» деган қиссаси билан ваҳимаю довруқ солиб адабиёт майдонига кириб келган Шукур Холмирзаев бугун 60 ёшга тўлибди. Шундан бери адибнинг кўпгина асарлари чоп этилди. «Сўнгги бекат», «Олабўжи», «Қил кўприк» сингари романлари босилди. «Қора камар» деган пьесаси руҳиятимизга чақмоқдек урилди.

Шукур ака ҳеч қачон ёлғон ёзмади. Виждони ёзувчилик унинг. Кейин хушомадни ҳам жини суймайди. Тилёғламаликни билмайди. Ёлғондан кўнгил сўрамоқчи, мақтамоқчи бўлсангиз, ажинаси отланади.

Уруш ҳақида ёзмаса ҳам, мен уни Хемингуэйга ўхшатаман. Буларнинг орасида қандайдир илоҳий яқинлик бор. Дунё адабиётини аҳдартўнтарини чиқариб ўрганган адиб ўзбекона ҳолатни бироз чапанилик, аммо жудаям гўзал қилиб тасвирлайди.

У адабиётимизда ҳикоячилик мактабини яратди... Ҳаммамизнинг ҳавасимиз беқиёс — Холмирзаевнинг эссеси, Холмирзаевнинг бадиаси, Холмирзаевнинг мақоласи, Холмирзаевнинг ҳикояси... тўлиб-тошиб гапирамиз.

Шу ўринда бир гап: кеча бош муҳарриримиз, шоир Азим Суюн тўлқинланиб айтиб қолди: Шукур ака 60 ёшга тўлибди. Ҳозир хаёлимга тўрт қатор мисра келди, айтайинми, деди.

Жуда ажойиб тўртлик экан. Мен шуни Шукур аканинг барча мухлисларига илиндим.

Насрга тоғ бўлиб кириб
келган зот —
Фалакни тарс ёрди
чўнг қоялари.
Ҳаёт қадар мангу,
заминдай абад
Шукур Холмирзанинг
ҳикоялари.

■ **Қўчқор НОРҚОБИЛ**

«ФАРҒОНА ЁҒМОЙ»

ҳиссадорлик жамияти

2000 йил 21 апрель соат 10.00 да акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказишини маълум қилади.

КУН ТАРТИБИ:

1. «Фарғона ёғмой» акциядорлик жамиятининг 1999 йилги иш якунлари тўғрисидаги ҳисоботи ҳамда корхона фаолиятининг 2000 йиллаги асосий йўналишлари тўғрисида.
2. 1999 йил якунлари юзасидан тафтиш комиссияси хулосаларини тасдиқлаш.
3. Акциядорлик жамияти молия-хўжалик фаолиятининг йиллик текшириш натижалари юзасидан аудиторлар хулосаларини тасдиқлаш.
4. 1999 йил якуни бўйича фойдани ва чиқимни тақсимлаш. дивидендларни ҳисоблаш ва уларни тақсимлаш тўғрисида
5. Кузатув кенгаши гуруҳини тўлдириш ва бошқарув кенгашини тасдиқлаш ҳақида.
6. Бошқа масалалар.

Умумий йиғилиш ўтказиш жойи: Фарғона шаҳар, Қувасой кўчаси, 61 уй.
Маълумот учун телефон: 24-48-22, 24-61-02

Кузатув кенгаши

«ЎЗСУВҚУРИЛИШНАҚЛИЁТИ»га
карашли Андижон вилоят Хонобод шаҳар «4-сон автокорхонаси» О.А.Ж. ҳайдовчилари томонидан йўқотиб қўйилган, амал қилиш муддати 28.X.96 дан 28.X.2001 йилгача бўлган қуйидаги «лицензия» карточкалари

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Лицензия варақаси №	Лицензия карточкаси	т/воситаси русуми	д/рақами белгиси
АТ0001623	0068988	Газ-53 АВВ	31-14 Анл
АТ0001623	0049414	Кр.256	67-99 Анд
АТ0001624	0049431	Маз-5549	02-79 Анд
АТ0001624	0049452	Газ-53 АБЦ	35-08 Анд
АТ0001624	0067625	К.5410	67-80 Анд
АТ0001624	0068984	К.5511	55-96 Анм
АТ0001624	0049445	К.5511	17 АА 553
АТ0001624	0067643	К. 5410	55-64 Ана
АТ0001624	0068977	Маз-5551	17-34 Анм

Тошкент ш., Шаҳрисабз кўчаси, 3-уйда жойлашган

Ўзбекистон Акциядорлик тижорат саноат-қурилиш банки «Ўзсаноатқурилишбанк» акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши 2000 йил 28 апрелда соат 10⁰⁰ да Тошкент шаҳар, Хоразм кўчаси, 6-уй, Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги биносида ўтказилишини маълум қилади.

Акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 2000 йил 1 марттача бўлган ҳолатда тузилади.

КУН ТАРТИБИ:

1. «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг 1999 йилги иш якунлари ва 2000 йилги фаолиятининг асосий йўналишлари тўғрисида» йиллик ҳисобот.
2. Банк Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи.
3. Йиллик ҳисоботни, Банкнинг 1999 йил 31 декабрь ҳолатида бухгалтерлик балансини, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботни, Банкнинг 1999 йилдаги харажатларини тасдиқлаш. 1999 йилги фойдани тақсимлаш.
4. Кредитлаш, актив ва пассивларни бошқариш, инвестицияларни амалга ошириш, мижозларга янги хизмат турларини кўрсатиш соҳасидаги Банк сиёсатининг 2000 йилга мўлжалланган асосий йўналишларини аниқлаш.
5. 2000 йилга Банк аудиторини тасдиқлаш.
6. Банк устав капиталини ошириш тўғрисида.
7. Банк ички меъёрий ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.
8. Банк Кенгаши ва саноқ комиссияси таркибини ўзгартириш тўғрисида.
9. Банк Бошқарув Раисини тасдиқлаш.

Банк акциядорларининг минтақавий йиғилишларида сайланган акциядорлар ва уларнинг вакилларини рўйхатга олиш «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг биносида 27 апрелда соат 9⁰⁰ дан 18⁰⁰ гача ва 28 апрель куни Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги биносида соат 8-30 дан 9-50 гача амалга оширилади.

Акциядорлар ва уларнинг вакилларида шахсий гувоҳнома, шунингдек бошқа акциядорларнинг манфаатларини амалга ошириш ҳуқуқи бўлган ишонч қоғози бўлиши лозим.

☎ Қўшимча маълумотларни қуйидаги телефонлар орқали олиш мумкин: 133-24-86, 136-14-77

Ўзсаноатқурилишбанк Кенгаши

ТАШКИЛОТ

«ВАЗ», «Москвич», «ГАЗ-24», «ГАЗ-53», «УАЗ», «ЗИЛ», «МАЗ», «КамАЗ» автомобиллари учун эҳтиёт қисмларни сотади

ҲАҚ ТЎЛАШ – ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти доирасида харидорнинг омборхонасигача бепул етказиб бериш мумкин

Манзил
Тошкент, Нукус кўчаси, 29 («Ўзбекистон» маиший хизмат кўрсатиш уйи) — Мўлжал Шимолий темир йўл вокзали.
Телефон: 54-56-97. Факс: 54-49-11 Пейжер: (067) 90-79

«АЛАН СЕРВИС» АЖ

барча турдаги *тракторлар* эҳтиёт қисмларини

ТАКЛИФ ЭТАДИ

Дўконимизда ҳамиша Т-28, МТЗ-80, «Алтай» ва бошқа русумли тракторларнинг 500дан ортиқ эҳтиёт қисмлари пул ўтказиш йўли билан сотилади

Манзил: Тошкент шаҳри, Жаркўрғон кўчаси, 43-уй, «Сельхоззапчасти» дўкони. Телефон: (3712) 96-63-21.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди жамоаси Республика Олий хўжалик судининг раиси Абдусаломов Мирзоулуғбек Элчиевичнинг падари бузруквори

АБДУСАЛОМОВ Элчи отанинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институти раҳбарияти институт бўлим мудири профессори

Учқун Абдуллаевич ОЛТИБОЕВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндошуруғларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Ҳамкор» ва «Деловой партнер Узбекистана» газеталари жамоаси бош муҳаррир Исмат Хушевга қайнонаси

РАФИҚА опанинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилади.

«НАВРЎЗ — БОҚИЙ БАЙРАМ» ТАНЛОВИГА

БОҚИЙ НАВРЎЗ

(Киноқисса)

Йўлдош МУҚИМОВ, Азим СУЮН

II
АЖАБ САОДАТ ЭРУР ҚОЛСА ЯХШИЛИК БИЛА ОТ...

...Вайрона қалъа кўчаларида оппоқ либосли, сочлари ўсиб, гарданига тушиб ётган дарвешсимон кимса кезиб юрадир. Ахён-ахёнда ерга эгилиб, сопол парчалари ва синиқ ғиштларни юмалаб ётган жойидан кўтариб, қўлида тутиб турар экан, уён-буён айлантириб, қайта-қайта термуладир.

Сопол синиқларида ҳанузгача ўчмаган мовий ранглар қуёш нурида товланиб, шуъла сочадир. Дарвеш сополларга узоқ разм солиб, тикилиб, ўзига-ўзи кўз-кўз қилар экан, ногаҳонда бўзлаб юборадир. Харобалар ора юриб, бузиб ташланган оташкада ўрнида, тош ўчоқда қолган кўмир қолдиқлари ва қорақурум кул уюмларидан ҳовучлаб-ҳовучлаб олади, ўпади, дил дардини ёриб, ҳасратдан қутилмоқчи бўлади, вайрона қалъага қараб хитоб қилади;

Юрак-бағринг қоврулди,
Кулинг кўкка соврулди.
Ҳув-хув, ҳуво-хув, ҳув-хув...

Оташкаданг ҳам сўнди,
Тепангга бойқуш қўнди.
Ҳув-хув, ҳуво-хув, ҳув-хув...

Қалъадан сал наридаги йўлдан ўтаётганлар дарвешга нигоҳ ташлайдилар ва ачиниш ила бир-бирларига дейдилар:

— Бечора Сунбод дарвеш ҳамон йиғлайдур. Бўзлашдан тинмайдур, кўзлари кўр бўлуб қолмасмукин?

— Йўқ, тақсир, кўз ёшидан ўткир нарса йўқтур, юрак дарди бирла гардини ювадур, ғамандуҳни қувадур. Кўнгул йиғлаб, енгил тортадур...

— Кўзни ҳам тозалайдур, демоқчисиз-да? Шул боис ул яхши биладурким, кўз ёши чашми дийдани чанглардан фориғ этур...

— Қачонки Сунбод девонани бунда бўзлаган ҳолда кўрсам, мани ҳам кўнглум бузуладур, йиғлагум келадур, ўзумни тутолмайман. Тутолмайману, бардош қиламан... Эркакни йиғлагани ёмон-да, ахир!

— Ростини айтсам, ман ҳам ўзумни йиғлаб юбармакдан зўрға тутарман. Ахир, айтишга осон, дунёга донғи кетган Шаҳри Барбардек қалъаи азим энди йўқ...

— Қаранг, ҳамон бўзлаб неларнидур сўзлаб турур дарвеш. Ростдан ҳам девона янглиғ...

— Йўқ, йўқ, ул девона эмас, дарвеш ҳам эмас шунақа хунук овозалар тарқалган унинг хусусинда. Аслида уни «Сунбод дониш» ёким «Сунбод қоҳин» дерлар. Оташпарастлар китоби «Авасто»ни ёд билур , деб эшитганман...

— Ҳа, замона зайли шундоқ савдойи қилгандур бояқишни.

Йўловчилар узоқлашиб ўтиб кетадилар. Қалъа тарафга бошқа суворийлар яқинлашиб кела бошлайди. Улар қалъани айланасига ўраб олган, сув ила тўлиб турган хандак бўйида қад кўтарган улкан тут дарахти тагига келиб тўхтайдилар.

Суворийлардан бири харобалар орасида танҳо изғиб юрган дарвешдан кўз узмай термулади. Миниб келган отини тут остида шерикларига қолдириб, ўзи аста-секин дарвеш олдига келади. Дарвеш бу кимсани яхши таниганидан унга пешвоз чиқади. Иковлон қадрдонлардек қучоқлашиб кўришадилар.

— Сиз ҳам оқ либосга ўтубсизму, дейман, амирим, қора либос кўнглунгизга урганга ўхшайдур.

— Қора либос жанг либоси эрди, Тангрига шукрким, ҳозир юртимизда тинчлик барқарор. Тинч кўнгулга оқ либос мос, оқ кийим осойишталик бағишлайди...

— Сиздан андоза олиб кўп жавонмардлар ҳозир оқ кийим кийиб юрадиғон бўлмушлар. Ман ҳам сизга эргашдим...

— Ушбу вайрона манга уйқу бермайдур, — гапни бошқа ёққа буради отдан тушиб келган одам. — Қутлуғ қалъамиз оёқости бўлди. Бунда яшовчиларнинг кўпчилиги тутқун қилиниб, елкаларига тамға босилди, сўнгра бошқа жойларга олиб кетилди. Лавондоғ қишлоғида ўшал бандиларнинг авлоди ҳамон қул бўлиб яшар. Талайгина барбарликлар Ерқут қишлоғинда истиқомат қилурлар. Ҳозир биз ушбу қишлоқни арабча «Тавовис» — товуслар деб атай бошладик. Ерқут номи ёмон эмас эди, не дерсиз? «Қутлуғ ер» деб атамоқни ўзи қутлуғ иш-ку.

Вақти-соати етдиким бандиларни яқин орада озод этурмиз. Наврўз сайлинда элга кўз-кўз қилиб кўрсатиб, занжир ва кишанларни узиб, парчалаб ташлармиз...

— Айтганингиз келсун, амирим. Тилингиздан бол томур...

— Тезда ҳашар ҳам қилурмиз. Ҳашаримиз ҳар галгидек бор ариқларни тозалашга эмас, янгиларини қазишга, чўлу-биёбонларга обиҳаёт келтиришга бағиш бўлур. Шунда сув тақчиллигидан қутулурмиз. Талайгина ерларимиз ҳали чанқаб ётадур. Шу йилги Наврўз арафасинда чанқоғи қолур, деб умид қилурман.

— Отангизга раҳмат, ушбу эзгу ишлар сизнинг номингиз ила шарафланиб, тарих саҳифаларинда қайд этилур. Сиз қоздирган обиҳаёт рудини миннатдор халқ «Коми Абу Муслим» дея атамоғига аминмен.

Деҳқонлар сув танқислигиндан кўп азоб-уқубат тортадурлар, экин-тикинлар қуруб қолур. Зироат анчайин зарар кўрар...

Бир лаҳза сукутдан сўнг Абу Муслим давом этади:

— Улус азал-азал ер-сув ила тирик. Бундан бошқа яна бир руд қаздирамиз. Яқинда юрт оқсоқолларидан бири ила учрашдим, ўзи мени излаб, ҳузуримга келди. Ёши саксондан ошубдур. Бироқ ҳамон ер-сув ҳақида ўйлайдур. «Қирқ жавонмард ўғлум бор» дер. «Чўл-биёбонда, шул атрофда катта тақир ер мовжудким, эрта баҳорда майсалар ўсади-ю, сўнгра тез орада ёзга етмай, қовжираб, сарғайиб қоладур. «Заранг ер» дерлар ани шул боис. Яъни «Заранг — сарғайган» демоқчи... «Заранг» бўлиб кетган. «Майсазор» оти ҳам бор. Ота биздан мадад сўрар. Қирқ ўғли қаторига боз шундоқ норғулларни берурмизким, ҳашар қилиб, руд қазурлар. Ўшал тақир ҳам обод бўлур...

— Эмди сизнинг давру-даврон келур, амирим, тақдир сизга кулиб боқур. Вазият ҳозир шундоқким, Сизга замона дарвозаларин очиб берур... Дарвешлар хабар келтурурларким, халифалик зиддиятлар исканжасинда, жон талвасасинда бағоят азият тортур... Сулолалар низоси кемирур аларни. Сизнинг бақувват қўлингизни ушламакка алар ҳозир ожиздурлар. Аксинча ўз муаммоларини ечишда сиздан мадад олишни истарлар... Унда-бунда кўтарилаётган қўзғолонларни сизнинг қудратли қўлунгиз ила бостиришни мўлжаллаб турурлар... Бас шундай экан, ўз диёримизда эзгу ишларга далил қўл урушнинг айни пайтидур. Халифалик олдин рухсат этмаган мушкул жумбоқлар ҳам ҳозир ҳал бўлур. Чунончи зиндонларда неча-неча занжирбандлар, қуллар одил ҳукм кутуб, азоб чекурлар. Қуллик не эканин ўзингиз бошингиздан кечиргансиз...

— Рост айтурсиз, биз учун замон дарвозалари очилиш олдида. Бироқ бисёр ҳушёр бўлуб қадам босмоқ даркор. Халифалик тахтин йиртқич йўлбарслар қўруқлар, аларга маккор тулкулар ясавуллик қилур...

— Йўлбарсни чумоли енгар, деган нақлни эшитганмисиз? Ҳар бир газанданинг ўз кушандаси бўлур. Чунончи, бир ваҳший йўлбарс чумолилар уясини топтаганда, алар бирлашиб, иттифоқ тузуб, йиртқичга ҳамла қилмишлар. Ул зўравон танасида на бирор тук, на тери қолмуш. Қаҳрга минган чумолилар йўлбарс тукларин куялар янглиғ еб, терисин шилиб ташлашибди. Ҳеч ким, ҳеч нима қаттиқ қаҳрга минган кимса ила учрамагай...

Дилимда шу дамда бу хил сўзлар туғён уруб турур:

Ҳамла қилса минглаб чумоли,
Аянчлидур йўлбарснинг ҳоли.
Ҳалоқ бўлур бирдан ёприлса,
Тукларин еб, терисин шилса...

Шунақадур қиссадан ҳисса:
Ғолибдурсан иттифоқ бўлсанг,
Забундурсан нифоқда юрсанг...

Ўртага бир неча лаҳза сукунат чўкади. Абу Муслим оғир ўйларга ғарқ бўлиб, қўлдаги қамчисини ўйнатиб, йироқ-йироқларга термулади. Қандайдир ички дард унга тинчлик бермайди, юрак-бағрини тирнайди. Сўнгра фикру-зикрини яна йиғиб олади-да, суҳбатга қайтади. Икки қадрдон дўст, аста-секин одим отиб от қолдирилган, соқчилар кутаётган жойга, тут дарахти тагига йўл оладилар.

Абу Муслим тутга ачиниб қарайди:

— Бечора тут! Ушбу тутга кўзум тушса, хаёлимда халқимиз, эл-юртимиз намоён бўлур... Неча бор шох ва новдаларидан жудо бўлур, бироқ яна ўсар, янги новда ва шох чиқарар, барг ёяр, қанот керар, ҳосил берар... Қаранг, каллакланган тут боз осмонга бўй чўзар, қулоч отар.

— Хосиятли кунлардан дарак берур она тут, — қувватлайди Сунбод дониш Абу Муслим сўзларини, — янги новдалар, янги шохлар элимизнинг янги фарзандлари, оқил авлодларидурлар. Алар бақувват бўлиб воя етсалар, худди шу тут ёз жазирамасида одамларга бошпана бўлганидек соябон бўладурлар.

Сунбод дониш ерга термулиб, бир неча зум жим туриб, яна бошини кўтариб, сўзлашда давом этади:

— Воқеан, амирим, Наврўз арафасинда деҳқонлардан хирож олишни тақиқлаб, фармон бермушсизким, ушбу мурувватингиз ҳамманинг армонли кўнглуга дармон бўладур...

— Ҳали экин-тикин, зироат пишиб етилмаган экан, солиқ олиш адолатсизликдур. Наврўз арафасинда буни бекор этдук. Хирож эмдиликда ҳосилга қараб олинур...

— Улуғ иш қилдингиз, амирим, хирож эрта баҳорда эмас, кузда давлат хазинасига тушса, ёмон бўлмас. Шундоғ камбағаллар борким, Наврўз арафасинда, ҳали ер-замин эмди уйғонар пайтинда, ўзгалардан қарз олиб хирож тўлар. Такрор айтурман, шарафли иш қилдингиз, номингизни шон-шуҳратга буркадингиз...

— Биз шон-шуҳрат қозониш учун эмас, эл олдидаги бурчимиз юзасидан, виждон ва иймонга таяниб, иш тутмоғимиз даркор...

* * *

... Зарафшон ёқасидаги қадимий Наврўзтепа. Қип-қизил қизғалдоқ ва лолалар гилами тўшалган. Карнай-сурнайлар, ноғора-дойралар халойиқни сайилга чорлайди. Теварак-атрофдаги шаҳару қишлоқлар, дала-даштлардан ҳамма сайилгоҳ томон шошади. Болалар тепа устида хўроз жангини томоша қилишади. Катта ёшдагилар қўчқор уриштириб завқланишади. Қатор-қатор дўконлар ёнида харидорлар тўда-тўда, улар ўзларига турли-туман буюмлар, ашёлар, матоҳларни сотиб олиш билан банд. Савдо-сотиқ авжида...

Тепа устида тўпланганлар кимнидир орзиқиб кутишади. Теваракка назар ташлашади. Интизорлик билан термулишади. Ғала-ғовур, шивир-шивир гаплар, ҳангомалар қулоққа чалинади.

— Барака топсун, Абу Муслим. Отасига раҳмат!

— Худо хайрини берсун, сайлимизни қайтарди...

— Абу Муслим — шерюрак. Илоҳим, умри узоқ бўлғай!

— Наврўз — ризқу-рўзимиз, кўрар кўзумиз! Ёмон кўздан асрағай!

— Наврўзимиз мангу бўлғай!

Шоҳона эмас, оддий деҳқон либосида Мовароуннаҳр ҳукмдори Абу Муслим тепага кўтарилади. Пастда шошиб-пишқириб оқаётган Зарафшон дарёсига меҳр тўла кўзлари ила нигоҳ ташлайди. Ўзини анчадан буён кутаётган халойиқни кўздан кечиради. Ҳамон сайилгоҳ сари оқиб келаётган одамлар сафининг охирини илғамоқчи бўлиб, йироқларга термулади. Юраги тўлқинланиб, теран ҳис-ҳаяжон ичра фақат сайилгоҳда йиғилганларга эмас, балки бутун элу-юртга қарата мурожаат қилади:

Синаб кўрдик, бу фалакнинг
довуллари, селини,
Ёвуз ёвлар, душманларнинг
турли-туман хилини,
Билолмадик қоп-қоронғу,
қинғир-қийшиқ дилини,
Англолмадик йилон янглиқ
авраб турган тилини,
Бироқ синдирармиз вақти
келиб, гардон бирла белини,
Жумла жаҳон билар шунда
Туронзамин элини.
Азал-азал қонга сингган
урфимиз-одатимиз,
Неча-неча асрлардур
бахтимиз-саодатимиз,
Ғолиб келиб, бугун дўстлар
саботу-тоқатимиз,
Қутлуғ Наврўз гулларини
чеккамизга тақамиз...

Бир зум тўхтаб теварак атрофга термулади. Ҳамон тепалик сари дарёдек оқаётган одамлар оқимига разм солади. Ватандош биродарларини ғурур ила кўздан кечирар экан, яна ирод этади:

О, ёронлар тўпланингиз ушбу
гулгун тепага,
Саф тортингиз қўл ушлашиб,
теваракка, теграга,
Ахир, Наврўзтепа, қаранг
ҳамон ўша-ўшадир.
Тобе эмас, эркиндурмиз,
қалблар тўлиб-тошадир.
Шул боисдан байрамимиз
бугун қўша-қўшадир,
Наврўз сўнмас, Наврўз ўлмас,
мангудир, ҳамишадир,
Наврўзимиз зеб-зийнати элга
хўб ярашадир.

Тепа устига, Абу Муслим турган жойга занжирланган бандилар, маҳбусларни олиб келадилар. Улар тепалик ёнидаги, Зарафшон бўйидаги «Лавандоғ» қишлоғидан. Бандиларнинг ота-боболари босқинчилар томонидан тутқун қилиниб, елкаларига қиздирилган тамға босилган эди. Улар гарчи турли қишлоқ ва шаҳарлардан Наврўзтепадаги сайилгоҳга байрамга келган эр-салар-да, жазоланиб, елкаларига тамға босилиб, ушбу тепа қапталидаги қишлоқда тутқун-банди тарзида қолдирилган эдилар.

Абу Муслим бандиларнинг қўл-оёқларидан занжир ва кишанларни ечиб, улоқтириб ташлайди ва ҳаммага қараб дейди:

Тингла, о, марду-мардум,
буқаламун дунёидун,
Адолат гоҳо устундур,
гоҳо мағлуб ва забун.
Машъум замон келиб бир вақт,
Наврўз бўлди кунпаякун,
Кимки сайил айлар эрди
тутиб қилдилар тутқун,
Бугун боз байрам кўчамизда,
боз қувончли якун...
Тутқунлар қишлоғин атаб
эрдиларким Лавандоғ,
Анда не гул ўсди, не гиёҳ,
барчасин бағри доғ.
Манглайда тамға доғи,
қўлларда қабарган қадоғ,
Оёқда занжиру, қўлда кишан,
бўйнида сиртмоғ,
Миришкор халқимиз жаннат
яратди, қанча боғ-роғ...

Тепалик устига яна бандилар келтирилади. Уларга қараб Абу Муслим буйруқ беради:

Билакларни кўтаринг,
парчаланг кишанларни,
Сассиқ алаф-ўтлардан
тозаланг гулшанларни,
Таъқиқланган Наврўзни бугун
қайта тиклармиз,
Шумғиёлар ўрнида хушбўй
гуллар экармиз...

Абу Муслим сўзлаб, сайил аҳлини Наврўз ила муборакбод қилиб бўлгач, соқчилари ва сафдошлари қуршовида расталар бўйлаб томошага йўлланади. Савдо-сотиқ дўконлари ранг-баранг матоҳлар, турфа-турфа нозу-неъматлар ила тўла, кўзни қамаштириб қувонтиради, ўзига маҳлиё қилади. Мўл-кўлчилик, маъмурлик, сероблик, безанган қатор-қатор расталар амирнинг кўнглига ҳузур-ҳаловат бағишлайди.

Абу Муслим ўз шериклари ила дорбозлар ўйин кўрсатаётган майдонга келиб тўхтайди, диққат эътибор ила эпчиллар рақсини томоша қилади...

Ота ва ўғил баланд дор узра турли-туман ўйинлар кўрсатишар, карнай-сурнайлар оҳангига мос абжир одим отардилар. Гоҳо чопиб, югурардилар. Арқон устида чаққон рақс этардилар. Тарқалаётган мусиқа оҳангларига монанд қўшиқ янграб, фазога кўтариларди:

Гўзал ўйин дорбози,
Рақсларнинг энгози.
Дор узра ўйнар чаққон,
Элимизнинг шоввози.

Ҳей, ҳей дорбоз, ҳей дорбоз,
Кўкда қилурсен парвоз.
Учиб кетма, қайтиб туш,
Замин сенга поёндоз.

Қўлингда ўйнар лангар,
Дорбозмисан, жодугар?
Лангар бўлмаса агар,
Йиқилмоғинг муқаррар.

Сунбод дониш Абу Муслимга маъноли қарайди, қўшиқнинг мазмунига ишора этиб, сўнг дейди:

— Англадингизму, амирим, Сиз ҳам ушбу дорбозга ўхшарсиз. Лангарни тўғри тутмоқ — мувозанатни тўғри ушламоқдур...

— Тангри дониш, Аллоҳ одилдур, 18 минг оламда ул неки яратмуш барисинда меҳрли маъно бордур. Буни фақат ақл-фаросат ила илғаб — пайқаб олиш ҳаммага ҳам насиб этавермайдур. Ушбуни тушунганлар доно, тушунмаганлар нодондурлар. Яъне англаган бахтиёр, англамаган хорузор... Ҳозиргина ғолиб чиққан чумолилар ва ҳалокатга учраган йўлбарс хусусинда нақл айтдингиз, эмди эса дорбоз ва унинг лангари тўғрисинда фикру-зикр юритурсиз. Инсоннинг лангари — унинг ақл-фаросатидур. Хатога йўл қўймаслик учун мувозанатни сақламак даркор. Нас сих куйсун, на кабоб, дерлар. Биз айни шундоқ қилмакка интилурмиз. Ота боболаримиз яратган удумларни, чунончи, Наврўзни тикламоқдамиз. Адолатсизликка барҳам бермоқдамиз. Ва шул баробаринда мусулмончилик урф-одатлари қоидаларин қабул қилурмиз. Икки хазина омухта бўлур, икки чашма, икки булоқ бир-бирига қўшилур, улкан дарё бўлиб оқур...

Абу Муслим Сунбод дониш ва соқчилар кузатувида бошқа расталар сари ўтади. Ва зочак — қўғирчоқбозлар ўйин кўрсатаётган жойга бориб тўхтайди. Чодир саҳна ичра машҳур ва севимли қаҳрамон Полвон Качал жавлон урарди. Асабий ҳолда уёқдан-буёққа югурарди. Қўғирчоқбоз қизиқиб сўрайди:

— О, Полвон, манга қаранг?

Полвон Качал зочакбозга савол аломати ила қарайди.

Зочакбоз:

— О, ўзингиз полвонсиз-у, уён-буён югурасиз, ғазабнок кўринасиз, ким аччиғизни чиқарди?

Полвон Качал:

— Ким бўларди, яна ўша Офтобхон-да! Жонгинамга тегди. Бошқа хотун оламан... Бўлади. Бўлди...

— Э, Полвон бу нима деганингиз, бўлдиму, ё бўлмадиму? Бир бундоқ дейсиз, бир ундоқ...

Полвон Качал:

— Ҳа, ҳам ундоқ, ҳам бундоқ. Қандоқ ўйларсиз, худди шундоқ. Тушундингузму эмди?

Зочакбоз:

— Ҳа, майли, Полвон, тушундим эмди. Офтобхон жонингизга тегди. Нега бундоғ бўлди?

Полвон Качал:

— Эй, қўймадиз, қўймадизда, овқатни ё хом пиширадур ёки тагини куйдурадур...

Зочакбоз:

— Ахир, ўчоқни ким ёқадур?

Полвон Качал:

— Э, ким ёқарди, хотунни ўзи-да! Келиб-келиб эмди мен эркак киши ўчоқ ёқайму? Астағфурулло! — ёқасини ушлайди полвон, — алови борму, қалову борму, бариси хотунники... Хотун хўжайин... Мен хотунни ишига аралашмайман...

Зочакбоз:

— О, ўчоқ ёқинг демайман, полвон. Хотунни ишига аралашмасанғиз ҳам, бироз қарашингда!

Полвон Качал саволга жавоб бермай, яна ўз дардини айтади:

— Доим шўрбо пишурса юзидан, палов пишурса тагидан сузиб бераду. О, бу хотун эмас, шайтоннинг ўзгинаси...

— Полвон, бунинг қанақа бор гинаси? Ахир, билмайсизмуки, шўрбонинг юзи яхши, паловнинг таги...

— Йўқ, бўлмайду, ман уни ҳайдаб юбораман кетсун! Ҳайдасам қутуламан қўяман...

Хотунни кўз аланглатиб излайди.

Зочакбоз:

— О, Полвон, шаштингиздан тушинг, шошмай туринг ҳайдашга, ахир, эшитмабсизмуким нақлни, бургага ўпка қилиб, кўрпасини ёқибту бир аҳмоқ. Шуни зайлидан бўлманг яна, бохабар бўлинг!...

— Манга маслаҳат даркор эмас. Ўзум биламан, ўз билганимни қиламан...

Отилиб чиқиб кетмоқчи бўлади.

Зочакбоз:

— Ҳой, ҳой Полвон! Яна бироз сабр қилинг! Дебтурларким, сабр қилсанг ҳалво ерсан, сабр қилмасанг пушайман ерсан. Яна нақл қилмушларким, жаҳл келса, ақл кетар, ақл келса, жаҳл кетар. Шояд ақлингиз келиб, жаҳлингиз кетса. Олам — гулистон, хандон хонадон... Оилангиз бузилмасин, меҳру-муҳаббат ришталари узилмасин. Шундоғ Полвон! Яна айтибдуларким: ёмон кўздан синар отнинг қозиғи, яхши сўздан пишар жоннинг озиғи. Ширинсўз бўлинг, Полвон! Хотиржам яшайсиз, тагингизга бахмал тўшайсиз...

Айни шу пайт, нозланиб-нозланиб, Полвон Качални маҳлиёмафтун қилмоқ учун сеҳрли қош қоқиб, кўз учириб, Офтобхон кириб келадир.

Таъзим ила салом берадир:

Чин юракдан салом сизга,
зўр Полвонимсиз,
Меҳрим, муҳаббатим,
жоним, хонумонимсиз....

Офтобхон жилмайиб, узун киприкларини ўйнатади, қопқора қуралай кўзларини Полвонга тикади, майингина табассум қилади. Полвон Качалнинг юрагини киприклар найза каби тешиб ўтгандай бўлади. Жаҳл уни тарк этади, кўнглига меҳр қўнади.

Келинг жоним, дийдорингиз
истар кўнгул,
«Ўпич ол!» деб, дилдорингдан,
қистар кўнгул...

Полвон Качал Офтобхон юзидаги енгил кийикчани кўтармоқчи бўлади, аммо Офтобхон тисарилади, нозу-карашма ила ўзини четга тортади. Бироқ Полвон Качал бўш келмайди, ўз хоҳишидан воз кечмайди, севгилисининг кўнглини боз аврашга бошқа сўзлар қидиради:

Икки зулфи гажжагиз,
урсун бизнинг жонимиза,
Ҳар замон жилва қилиб,
келинг бизинг ёнимиза...

Офтобхон ҳамон тутқич бермайди, қийигини қиё қилиб Полвон Качалга мўралайди ва таманно ила дейди:

Эрта отам шаҳар боради,
чин-чин,
Шойи рўмол келтиради,
чин-чин,
Рўмол ўраб тўй бораман,
чин-чин,
Тўйни тамошо қиламан,
чин-чин,

Полвон Качал ҳуррамлик ила жўр бўлади:

Эрта отам шаҳар боради,
чин-чин,
Менга чориқ келтиради,
чин-чин,
Чориқ кийиб кўй боқаман,
чин-чин,
Сенга йироқдан боқаман,
чин-чин.

Офтобхон:

Эрта отам шаҳар боради,
чин-чин,
Манга маржон келтиради,
чин-чин,
Бўйнимга маржон тоқаман,
чин-чин,
Дилингга олов ёқаман, чин-чин.

Полвон Качал:

Чўлда юриб туш кўраман,
чин-чин,
Эрта саҳарда тураман,
чин-чин,
Санга қараб югураман,
чин-чин,
Оёғингга бош ураман, чин-чин.

Полвон Качал Офтобхоннинг ёнига югуриб боради ва юрагида барқ ураётган ишқ туйғуларидан бутун аъзойи-бадани титраб, дейди:

Мажнунтолдай силкинайин,
чин-чин,
Бошгинангни, кел, силайин,
чин-чин,
Не дардинг бор, мен билайин,
чин-чин,
Бир умр хизмат қилайин,
чин-чин.

Абу Муслим кулгудан ўзини тўхтатолмайди, азборойи хурсанд бўлганидан кўзларидан ёш тирқираб чиқади ва кўз ёшларини артар экан, хулоса қилади:

— Кулсун, ўйнасун халқимиз, қачонгача кўкрагини нам ерга бериб ётур, оғир меҳнатдан сўнг элга шодиёна ярашур, Наврўзни ота-боболар бекорга сайил қилмаганлар. Меҳнат заҳмат эмас, фароғат ҳамдир...

... Ушбу ҳаяжонли дамларда шовқинли шамол қўзғалади, салқин шамол эсади, дарё шовшуви зўраяди. Гўё шаршара баланд тоғ устидан қуйилаётгандек туюлади. Шамол секинлашиб, Зарафшондан садо чиқади. Она дарёнинг дилкаш овози илоҳий нидодек янграйди:

... Одамлар бор оламда,
босган қадами бунёд.
Нокаслар бордур, ҳайҳот,
ободни қилур барбод.
Муборак сайлимиз тонур
неклар қўлидан нажот,
Яна Наврўзтепамиз бўлур
озод ва обод.
Боғу-роғлар яратиб атрофда
гўзал — сўлим,
«Абу Муслим» деб атар ани
миннатдор авлод....

* * *

... Арзи самода Сухондан овози янграйди:

... Ўша замонлардан буён ўн икки асрдан кўпроқ вақт ўтди. Йигирманчи асрга келиб, муборак Наврўзимиз яна бир бор тақиқланди. Йигирма биринчи аср остонасида севимли сайилимиз боз тикланди. Юртимизда бугун яна Наврўз яшнар, одамлар қувнар...

Билоғонлар, донишлар дейдиларким, Абу Муслим танаси узоқ ўлкаларда, араб саҳроларида қолиб кетган эрса-да, унинг пок ва ёрқин руҳи қутлуқ Наврўз айёмида Ватанга учиб келадур, Она Диёр осмонида парвоз қиладур ва дилидаги айтилмай қолғон розларини изҳор қиладир.

Ушбу сеҳрли, оташин сўзлар авлодларга васиятдай келиб етадур:

Дерлар мени Абу Муслим,
Иброҳимдур ота исмим.
Қутлуқ тупроқ зотим, аслим,
Қайларда қолмушдир жисмим.
Туронга қайтди руҳ қисмим,
Бу гапларнинг бари тилсим.

О, ёронлар недур айбим,
Икки дунё билолмадим.
Бировга айтаолмадим.
Элимга қайтаолмадим...

Кимлар мендан нелар деди.
Ғафлат менинг бошим еди.
Юртни бузар ғиди-биди,
Яқинларим шундоғ эди.
Яхши-ёмонни эладим.
Халойиққа эрк тиладим,
Бечора бошин силадим,
Балким шунга мен қуладим..

Эзгу орзуйим бор эрди,
Мудом йўлимда ёр эрди.
Тутқунлик бизга ор эрди,
Темир қафасдек тор эрди,
Озод бўлмак шиор эрди,
Диллардаги қарор эрди...

Тикласам Турон тахтини,
Севган элимнинг бахтини.
Очсам юртимнинг баҳрини...
Қаранг, фалакнинг чархини,
Келтирдим ғаним қаҳрини...

Элу-юртим кезай, дейман,
Бахту-тахтин сезай, дейман.
Боғларини безай, дейман,
Сувратини чизай, дейман,
Довруғини ёзай, дейман.
Душманлардан ўзай, дейман.
Ўрнига ўтказай, дейман,
Кучимни кўргазай, дейман.
Элда мангу бўлай, дейман,
Завқу-шавққа тўлай, дейман.

Ўт-оловда ҳеч ёнмангиз,
Синамасдан инонмангиз,
Ярти сўздан Сиз қонмангиз,
Ҳақиқатдан ҳеч тонмангиз,
Йўлда юриб, ҳеч толмангиз,
Бу оламдан йўқолмангиз!

(Давоми бор)

БОШ МУҲАРРИР
Азим СУЮН

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат — 133-44-55
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-12-56
Котибият — 133-21-43
Факс — 133-47-80,133-38-55, 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 136-53-16;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи
Юсуф Жўраев

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Сахифаловчи-дастурчи
Бахтиёр Жуманов

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00004
Газета офсет усулида, А—2 форматида босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 182

Топшириш вақти -- 21.00.
Топширилди -- 21.00.
1 2 3 4 5 6

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА